

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Ё.Абдуллаев
Т.Бобоқулов

КРЕДИТ

100 САВОЛ ВА ЖАВОБ

Тошкент - "Меҳнат" - 1996

ББК 65.9(2)262
А 15

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ВА РЕСПУБЛИКА
ТАЪЛИМ ИЛМИЙ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ ТАВСИЯЛАРИ
БИЛАН ТАЙЁРЛАНГАН.**

Муҳаррир А. АБДУМАЖИДОВ

А $\frac{0605010204-15}{М 359 (04)-96}$ қўшимча рўйхат.

ISBN 5-8244-1176-X

© "Меҳнат" нашриёти, 1996 й.

КИРИШ

Истиқболли келажакка интилаётган мустақил Ўзбекистонимизнинг бир иқтисодий тизимдан иккинчисига кам моддий харажат сарф этган ҳолда, ижтимоий қийинчиликларсиз ўтишини таъминлаш, аввало, ўша жамиятда амал қилаётган банк тизими ва молия-кредит сиёсатига боғлиқ.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида республикамизда пул-кредит соҳасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жумладан:

банкларнинг мустақиллиги ва мавқеи кучаймоқда;
янги молия-кредит институтлари юзага чиқмоқда;
кредитлар учун тўланадиган фоиз ставкасининг кредит ресурсларини тақсимлашдаги аҳамияти ошмоқда;
жаҳон андозаларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган банк тўғрисидаги қонун бугунги кунда амал қилмоқда ва ҳ.к.

Муҳим ўзгаришлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан кредитлаштириш ва унда юзага келадиган кредит хавф-хатарини бошқариш билан боғлиқ муаммолар борасидаги масалалар даврий матбуот саҳифаларида етарлича ёритилмаётир. Кредит муносабатларига оид айрим атамалар ва тушунчаларни талқин

қилишда ягона ёндашув ва фикрлилик йўқ. Шундай ша-
роитда кредитнинг хилма-хил шакллари ва турлари ху-
сусида тўлиқроқ маълумот берувчи махсус қўлланма ва
дарсликлар мавжуд эмас.

Кредит мавзусида тайёрланган ушбу китоб юқо-
ридаги масалаларнинг моқиятини англаб олишда кўмак
беради, деган умиддамиз. Мазкур қўлланма дастлабки
ҳаракатлар натижаси бўлганлиги сабабли, у айрим кам-
чиликлардан ҳоли бўлмаслиги мумкин.

Шу боис Сизнинг китоб юзасидан билдирган фикр
ва мулоҳазаларингиз ҳамда истакларингиз бажонидил
қабул қилинади.

І Б О Б

КРЕДИТ ТЎҒРИСИДА УМУМИЙ ТУШУНЧАЛАР

1	Кредит нима ?	8
2	Кредит ва молия тушунчалари ўртасида қандай умумийлик ёки фарқли томонлари бор ?	8
3	Кредит субъекти ва объекти деганда нимани тушунасиз ? Бўш пуллар неча хил бўлади ва уларнинг қандай манбалари мавжуд ?	9
4	Кредит қандай вазифаларни бажаради ва унинг жамиятдаги роли қандай ?	11
5	Кредитнинг қандай шакллари мавжуд ?	12
6	Тижорат кредити деганда нимани тушунасиз ?	13

7	Тижорат кредити қандай усулларда берилади ?	14
8	Банк кредити деганда нимани тушунасиз ?	15
9	Истеъмолчи кредити қандай пайдо бўлади ?	16
10	Давлат кредити деганда нимани тушунасиз ?	17
11	Халқаро кредит ва унинг асосий шакллари тўғрисида нималар биласиз ?	18
12	Халқаро ташкилотлар берадиган халқаро кредитларнинг хусусий банклар берадиган кредитлардан фарқи борми ?	19
13	Ссуда ва ссуда (қарз) капитали бозори деганда нимани тушунасиз ?	20
14	Кредитни қайта тақсимлаш вазифасининг мазмуни нимада ?	21
15	Берилиш муддатига қараб кредит қандай турларга бўлинади ?	22

16

Ўзбекистон Республикасида қисқа муддатли банк кредитининг ўта юқори салмоққа эга эканлигини қандай изоҳлаш мумкин ? 23

17

Кредитлаш чегаралари ҳақида нималарни биласиз ? 24

18

Кредитнинг чегаралари деганда нимани тушунасиз ? 24

1**Кредит нима ?**

Кредит деганда ўз эгалари қўлида вақтинча бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан муносабатлар тушунилади.

Кредит муносабати икки субъект ўртасида юзага келади: бири пул эгаси, яъни қарз берувчи; иккинчиси пулга муҳтож, яъни қарз олувчи. Кредит товар ва пул кўринишидаги маблағларни:

- қайтариб беришлик,
- муддатлилиқ ва
- фоиз тўлаш

шартлари асосида бериш натижасида юзага келади.

2**Кредит ва молия тушунчалари ўртасида қандай умумийлик ёки фарқли томонлари бор ?**

Кредит ва молия тушунчалари ўртасида бир томондан умумийлик бўлса, иккинчи томондан фарқли жиҳатлари мавжуд.

Агар молия барча хўжалик субъектларининг ўзига тегишли пул маблағлари хусусидаги алоқаларини анг-

латса, кредит, бундан фарқлироқ, ўзга мулки бўлган пулни қарзга олиб ишлатиш борасидаги муносабатларни билдиради ва бозор муносабатларининг бир унсури ҳисобланади.

Молия билан кредитнинг умумийлиги шуки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам пул маблағлари юзасидан бўлган муносабатларни жамлаш ва ишлатиш усулининг ҳар хил бўлишидан келиб чиқади.

Молияда ўз мулки бўлган пул ресурсларини хоҳлаган вақтда, ҳеч бир харажатсиз ишлатилиши мумкин. Кредит эса ўзгалар пул маблағини ҳақ тўлаган ҳолда вақтинча ишлатиб туриш ва муддати келганда қайтариб беришни англатади. Кредит товар-пул муносабатларига хос бўлган ва пул ҳаракатини билдирувчи категориядир.

3

**Кредит субъекти ва объекти деганда нимани тушунасиз ?
Бўш пуллар неча хил бўлади ва уларнинг қандай манбалари мавжуд ?**

Кредит субъектлари ҳар хил бўлиши мумкин. Буларга корхона, фирма, ташкилот, давлат ва турли тоифадаги аҳоли киради.

Кредит объекти - бу ҳар қандай пул эмас, балки фақат вақтинча бўш турган, берилиши мумкин бўлган пуллар ва товарлардир.

Бўш пул уч хил бўлади:

- тадбиркорлар ёки катта пулдорлар қўлидаги пул, яъни пул капитали;

- аҳоли қўлидаги пул - эртами-кеч эҳтиёжни қондириш учун тўпланган пул, эгаси қўлида капитал эмас, балки истеъмолни қондириш воситаси;
- давлат ихтиёридаги пул. Бу пул ҳам капитал (давлат корхонаси учун), ҳам умумий истеъмол пулидир.

Қайд қилинган бўш пуллар ссуда фондини (қарз фондини) ташкил этади ва унинг юзага келиши объектив тарзда муқаррардир. Бўш пуллар қуйидаги манбалардан келиб чиқади:

- амортизация пулининг унинг муддати тугагунга қадар тўпланиб бориши. Амортизация пули ҳар йили ажратилади ва у бир неча йилдан кейин ишлатилиши сабабли маълум давр бўш туради;
- ишлаб чиқаришни ўстириш учун фойдадан инвестиция пули муқим ажратиб борилади, лекин бу пул маълум миқдорда йиғилгандан сўнг инвестиция қилиш мумкин;
- хом ашё, ёқилғи ва материаллар учун олдин сарфланган пул товар сотилиши билан эгасига қайтиб келади, лекин уларни янгидан сотиб олиш шу вақтнинг ўзида юз бермайди. Аммо бу маблағлар дастлаб жорий счётга келиб тушади. Бу ресурслар депозит қилиб расмийлаштирилгандан кейингина кредит ресурслари сифатида ҳисобга олинади;
- фойдадан ажратилган социал фондлар пулининг келиб тушиш вақти билан ишлатиш вақти ҳам тўғри келмайди, натижада пул бўш қолади;
- иш ҳақи пулининг келиб тушиши ва сарфланиши бир вақтда юз бермайди. Маълумки, товар сотилгач, пул тушиб тураверади, иш ҳақи ҳар куни

эмас, ҳар 15 кундан сўнг берилади. Натижада иш ҳақи фондининг пули ҳам бўш туриши мумкин;

- фуқароларнинг истеъмолчи сифатида қарилликни таъминлаш, қимматбаҳо товар олиш, саёҳат қилиш ёки катта маросим ўтказиш учун жамланган пули бўлади, у етарли миқдорга боргунча ёки ишлатиш фурсати келгунча бўш туради;
- давлат бюджетига пул даромадларининг келиб тушиши ва уларнинг сарфланиши ҳам бир вақтда юз бермайди;
- турли туман хайр-эҳсон ва суғурта пулларининг ҳосил бўлиши ва ишлатилиши ҳам турли вақтда юз берганидан, унинг бир қисми сарфланмай, бўш туриб қолади.

Хуллас, жамиятдаги пул ресурслари ҳаракатининг ногекис бўлиши, бир қисм пулнинг бўш қолиб, қарз фондига айланиши учун имкон беради.

4

Кредит қандай вазифаларни бажаради ва унинг жамиятдаги роли қандай ?

Кредит тўрт хил вазифани адо этади.

Биринчидан, пулга тенглаштирилган тўлов воситаларини (масалан, вексел, чек, сертификат ва ҳ.к.) юзга чиқариб, уларни хўжалик оборотига жалб қилади.

Иккинчидан, у бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, ишдаги капиталга айлантириб, пулни пул топади, деган қонидани амалга оширади.

Учинчидан, қарз бериш орқали пул маблағларини турли тармоқлар ўртасида қайта тақсимлаш билан иш-

лаб чиқариш ресурсларининг кўчиб туришини таъминлайди.

Тўртинчидан, қарз бериш, қарзни ундириш воситалари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантиради.

Кредит ва ундан фойдаланиш натижасида турли натижаларга эришилади. Бу натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий натижалар деганда кредитдан самарали фойдаланиш натижасида қўлга киритилган ютуқлар тушунилади. Масалан, Андижоннинг Асака шаҳрида асосан банк кредити ҳисобидан қурилаётган янги автомобиль заводи республиканинг энгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини маълум даражада қондирса ва жаҳон бозорида муносиб ўрин эгалласа, бу кредитнинг ижобий роли ҳисобланади.

Кредитнинг салбий роли асосан қуйидаги икки ҳолатда намоён бўлади:

- кредит халқ хўжалигига турли йўллар билан асосиз равишда кўп берилса ва оқибатда пул массаси кўпайиб, миллий пул қадрсизланса;
- агар олинган халқаро кредитлардан самарали фойдаланилмаса ва мамлакат ўзининг бошқа даромад манбалари, масалан, олгинини сотиш ҳисобидан кредитни қайтарса.

5

Кредитнинг қандай шакллари мавжуд ?

Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага киришади. Иккинчи ҳолда улар алоқаси воситачилар орқали юз

ади. Шунга қараб кредитнинг қуйидаги асосий ллари келиб чиқади:

- 1| Тижорат кредити
- 2| Банк кредити
- 3| Истеъмолчи кредити
- 4| Давлат кредити
- 5| Халқаро кредит.

6

Тижорат кредити деганда нимани тушунасиз ?

Тижорат кредити - бу сотувчиларнинг харидорга товар шаклида берадиган кредитидир. Бунда толар маълум муддатда пулини тўлаш шарти билан ияга берилади. Тижорат кредитини насияга олувчинг эгасига вексел (қарзнинг мажбуриятномаси) ни ади.

Насияга олиш орқали берилган қарз йигиндиси арнинг эл қатори нархи ва миқдорига боглиқ бўла- Масалан, 1000 метр духоба насияга ҳар бир метри 2 лардан берилди. Бунда духоба эгасининг харидорга ган қарзи 2000 долларни ($1000 \cdot 2$) ташкил этади.

Тижорат кредитида фоиз насияга сотилган духоба хига устама шаклини олади, шу сабабли, духоба ияга эл қатори нархдан юқори нархда берилади. салан, духоба нақд пулга ҳар метри 2 доллардан илса, насияга 2,5 доллардан берилади. Мана шу 0,5 лар устама фоиз бўлади. Бизнинг мисолимизда 1000 р духоба устама 500 долларни ташкил этади ($1000 i=2500; 2500-2000=500$).

Бевосита кредитнинг оммавий кўринишларидан и қимматбаҳо товарларни (автомашина, уй, телеви-

зор, компьютер, яхта, видеомагнитофон ва ҳ.к.) аҳолига насияга сотишдир. Бундай кредит товарларни бўлғуси даромад ҳисобига сотиш учун қўлланади. У тўйинган, товарлар етарли, бинобарин, тақчиллик йўқ бозорда қўлланилади.

Билвосита кредит пул эгалари маблағларини кредит ташкилотларининг воситачилигида қарз олувчиларга берилишидир. Кредит ташкилотларининг бош бўғини банклардир.

7

Тижорат кредити қандай усулларда берилади ?

Тижорат кредити беришнинг, асосан, бешта усули мавжуд:

- 1 | вексел усули;
- 2 | очиқ счёти орқали бериш;
- 3 | тўловни маълум белгиланган муддатда амалга оширган шароитда чегирма бериш;
- 4 | мавсумий кредит;
- 5 | консигнация.

Вексел усулида товар етказиб берилгандан сўнг сотувчи харидорга траттани тақдим этади. Харидор ўз навбатида, уни акцептлайди, яъни траттада кўрсатилган йиғиндини ўз вақтида тўлашга розилик беради.

Очиқ счёти орқали тижорат кредитини беришнинг мазмуни шундаки, харидор товарга буюртма бериши биланоқ, у юклаб жўнатилади, тўлов эса ўрнатилган муддатларда вақти-вақти билан амалга ошириб борилади. Бунда харидор ҳар гал товар олишда кредитни расмийлаштириб ўтирмайди, яъни кредитга мурожаат қилмайди.

Чегирма бериш усулида агар харидор тўлов, ҳужжатлари ёзилгандан сўнг, шартномада келишилган маълум давр ичида тўловни амалга оширса тўлов йиғиндисидан чегирма берилади. Агар ушбу давр ичида тўлай олмаса, унда тўловни белгиланган муддатда тўлиқ амалга оширади.

Мавсумий кредит, одатда, ўйинчоқлар, сувенирлар ва бошқа кенг истеъмол молларини сотишда кенг қўлланилади. Масалан, чакана савдо ташкилотлари йил давомида арча ўйинчоқларини сотиб оладилар ва шу йўл билан катта ўйинчоқлар учун заҳира тўплайдилар. Ўйинчоқлар ҳақини эса янги йил байрами ўтгандан сўнг январь-февраль ойларида тўлайдилар. Ишлаб чиқарувчилар учун бундай усулнинг қулайлиги шундаки, улар ўйинчоқларни оморларда сақлаш харажатларидан халос бўладилар.

Консигнация - бу шундай усулки, бунда сотиб олувчилар товарларни мажбуриятсиз сотиб оладилар, яъни товар сотилгандан сўнг пули тўланади. Агар товар сотилмай қолса, унда у эгасига қайтариб берилади.

8

Банк кредити деганда нимани тушунасиз ?

Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти" тўғрисидаги қонунида "Пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қайтаришлик, тўлашлик ва муддатлилиқ шартлари асосида ўз номидан жойлаштириш учун тузилган муассаса банкдир" деб қайд этилган.

Банклар ва бошқа кредит ташкилотлари пулнинг соҳибларига фоииз тўлаш шартли билан ўз қўлида

жамлайдилар ва ўз номидан қарзга бериб, фоиз олади-лар. Бунда уч субъект:

- пул эгаси
- кредит ташкилоти ва
- қарз олувчининг кредит алоқаси пайдо бўлади.

Воситачилар орасида тижорат банклари марказий бўгин ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг "Банклар ва банк фаолияти" тўғрисидаги қонунига кўра, тижорат банклари акцияли, пай асосида ташкил топган ва хусусий банклар бўладик, улар "кредит-ҳисоб-китоб ва ўзга хил банк хизматини кўрсатадилар". Тижорат банклари бозор иқтисодиётининг таянчидир.

Банклар қарзни ишончли, пулни самарали ишла-тишга қодир хўжалик субъектларига қарз берадилар. Улар ўз навбатида бу пулни инвестиция учун сарфлаб, иқтисодиётни ўстиришга эришадилар. Банк ишончли мижозларни танлаган ҳолда, қарзни уларнинг мол-мулки ёхуд бошқа бойлиги гаровга қўйилган шароитда беради. Масалан, банк фермерга 15000 доллар қарз бер-са, унинг гаровга қўйилган мулки қиймати шу йиғинди-дан кам бўлмайди.

9

Истеъмолчи кредити қандай пайдо бўлади ?

Тижорат банклари тадбиркорлик учун фирмалар-га қарз берса, истеъмолчиларга товар сотиб олиш учун қарз беради. Бунинг натижасида истеъмолчи кредити пайдо бўлади. Масалан, АҚШда банклар истеъмолчи-ларга кредит карточкалари беради, уларга нархи 2500 долларга қадар товарлар харид этилади, харид пули

банклар магазинлар берган счётга қараб тўланади. Бундай кредит ғоят имтиёзли бўлади, унинг фоизи бошқача қарз фоизидан кам бўлади, ҳатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин.

Талабаларга ўқиш ҳақини тўлашлари учун махсус қарз берилади. Бу қарз учун фоиз энг кўп бўлганда 8% белгиланади, қарз йилига 2500 доллар, охириги курсда эса 5000 доллар миқдориди берилади. Бундай қарзни талаба ўқишини тугатиб, пул топгач узади.

Истеъмолчи кредити аҳолининг истеъмол эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. У товар ва пул шаклида бўлиши мумкин. Хусусан, якка тартибда уй-жой қуриш мақсадларига бериладиган узоқ муддатли кредитлар - пул шаклидаги истеъмолчи кредитларидир.

10

Давлат кредити деганда нимани тушунасиз ?

Банклар давлатга ҳам қарз беради. Шу билан бирга ундан қарз ҳам олади. Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Қарз ва унинг фоизи бюджет ҳисобидан қайтарилади. Давлат кредити шароитида қарз берувчилар камдан-кам ҳолларда банклар бўлади. Кўпинча бу вазифани аҳоли, фирма, корхона ва ташкилотлар ўтайди.

Давлат қарзни турли шаклда, энг аввал давлат заёмлари (заём - русча қарз демакдир) шаклида олади. Заём давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у қарзни вақти келганда қайтариб олиш ва фоиз тўлашни кафолатлайди. Заёмларни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқаради. Заёмлар қарз ҳақи тўлаш жиҳатдан фоиз тўланадиган, ютуқ чиқадиган, ҳам ютуқ, ҳам фоиз бериладиган ва баъзан фоизсиз ҳам бўлади.

Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобига банкда қарз фондини ташкил этади, хазинадан қарз ҳам беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан корхона, фирма ва ташкилотларга уларнинг молиявий санацияси (соғломлаштирилиши) учун сарфланади. Мазкур қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилди. Аммо фоиз ғоят имтиёзли бўлади ва даромад олишни кўзламайди. Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин.

11

Халқаро кредит ва унинг асосий шакллари тўғрисида нималар биласиз ?

Халқаро кредит - бу ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракати бўлиб, бу ҳаракат товар ва валюта кўринишидаги маблағларни қайтариб беришлик, муддатлилик ва ҳақ тўлашлик асосида бериш билан боғлиқдир.

Халқаро кредит муносабатларида қатнашувчи субъектлар бўлиб, тижорат банклари, марказий банклар, давлат органлари, ҳукуматлар, йирик корпорациялар ҳамда халқаро ва регионал молия-кредит ташкилотлари ҳисобланадилар.

Халқаро кредитнинг асосий шакллари сифатида фирмавий кредит, акцептли кредит, акцептли-рамбурсли кредитларни кўрсатиш мумкин.

Фирмавий кредит - бу бир мамлакат фирмаси томонидан иккинчи мамлакатдаги фирмага берилган кредитдир. Унинг энг кенг тарқалган тури - бу экспортёр-

нинг импортёрга товарларни тўлов муддатини кечиктириш асосида сотишга асосланган кредитдир.

Акцептли кредит - бу йирик банклар томонидан тратталарни акцептлаш шаклида бериладиган кредитдир. Агар экспорт қилувчи импорт қилувчининг тўловга қобиллигига шубҳа қилса ёки тўлов йиғиндисини тезда олишни хоҳласа, ушбу кредитдан фойдаланилади.

Акцептли - рамбурсли кредитнинг маъноси шундаки, экспорт қилувчининг вексели учинчи мамлакат банки томонидан акцептланади ва импортёр векселда кўрсатилган йиғиндини акцептлаган банкка ўтказади.

12

Халқаро ташкилотлар берадиган халқаро кредитларнинг хусусий банклар берадиган кредитлардан фарқи борми ?

Маълумки, хусусий банклар ҳам халқаро ташкилотлар (Халқаро валюта фонди, Жаҳон тиклаш ва тараққиёт банки, Осиё ривожланиш банки ва бошқалар) каби халқаро кредитлар берадилар. Аммо уларнинг кредитларни бериш шартлари бир-бириникидан жиддий фарқ қилади.

Бу фарқлар қуйидагилардан иборат:

- 1) халқаро ташкилотлар, одатда, узоқ муддатли кредитлар беради. Хусусий банклар эса, асосан қисқа муддатли кредитлар бериш билан шуғулланади;
- 2) халқаро ташкилотлар берадиган кредитларнинг фоиз ставкаси кичик. Одатда йилига 7-9% ни ташкил қилади. Хусусий банкларники эса

- нисбатан юқори, кўпчилик ҳолларда 18-20% ни ташкил қилади;
- 3 халқаро ташкилотлар иқтисодиётни барқарорлаштириш дастурлари асосида кредит беради. Бу аниқ дастурлар уларнинг экспертлари томонидан кўриб чиқилиши керак. Бундан ташқари, халқаро ташкилотлар кредит олувчи мамлакатлардан маълум кўрсаткичларга - бюджет дефицитини ялпи миллий маҳсулотга нисбатан маълум нисбатини, инфляциянинг ойлик даражаси ва ҳоказоларга риоя этилишини талаб қилади; хусусий банклар эса, бу таҳлитдаги дастурларга, кўрсаткичларга риоя қилишни талаб этмайди;
- 4 хусусий банклар берадиган халқаро кредитлар ҳажмида таъминланган кредитларнинг салмоғи катта бўлади. Халқаро ташкилотларнинг кредитида эса аксинча, уларнинг салмоғи, одатда, кичик бўлади.

13

Ссуда ва ссуда (қарз) капитали бозори деганда нимани тушунасиз ?

Қарзга бериладиган пул ссуда дейилади. Агар қарзга берилган пул ишга солиниб, янгидан пул топиш, даромад олиш учун ишлатилса, у ссуда (қарз) капитали шаклини олади. Агар қарз шахсий истеъмолни қондиришга хизмат қилса, одатдаги пул қарзи бўлади холос, чунки унда капитал белгиси бўлмайди.

Бозор иқтисодиётидаги кредит муносабатлари табиатан фарқланувчи икки турдаги муносабатларнинг яхлитлигини билдиради. Гап шундаки, қарзга

олинган пул, биринчидан, капитал сифатида ишлатилади, бунда фойда олиш, пулни кўпайтириш назарда тутилади. Шу сабабли ссуда (қарз) капитали борасидаги муносабатлар пайдо бўлади. Бунда пулнинг мулк сифатидаги ҳолати унинг ўзгалар қўлида капитал бўлиши ҳолатидан ажралади, ўзга мулки ўзга қўлида капиталга айланади.

Иккинчидан, қарзга олинган пул шахсий ёки умумий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Бунда пул оддий харид воситаси вазифасини бажаради, пул пулни топади, деган қоидага амал қилмайди. Пул эгаси учун қарз олувчи пулни қандай ишлатишининг ҳеч бир аҳамияти йўқ, у қарз ҳақини олса бўлади. Аммо кредит икки томонлама муносабат бўлганидан, қарзни ким олиши ва қандай ишлатиши муҳим, чунки бу кредитнинг вазифасини билдиради, пулни қайтариш муддатига ва шартига таъсир этади.

Демак, кредит пул бозори кенг маънода молия бозоридирки, унинг таркибида капитал бозори ҳам бор. Капитал бозори қимматбаҳо қоғозлар бозори ва қарз капитали бозорини ўз ичига олади.

14

Кредитни қайта тақсимлаш вазифасининг мазмуни нимада ?

Кредит жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини бу пулларга эҳтиёжманд бўлган субъектлар ўртасида тақсимлайди. Бу тақсимлаш жараёнини қайта тақсимлаш дейилади, чунки бу маблағлар молия категорияси ёрдамида бирламчи тақсимлаш жараёнидан ўтган маблағлардир. Бизга маълумки, молия категория-

си ёрдамида миллий даромад дастлабки тақсимланганда, у тўрт йирик қисмга бўлиниб кетади:

- 1 | моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган ходимларнинг иш ҳақи;
- 2 | моддий ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарнинг фойдаси;
- 3 | банклар берган кредит учун фоиз ставкаси;
- 4 | ер эгаларининг ер рентаси.

Бу пул маблағлари банкларнинг кредит ресурслари учун манба ҳисобланади. Масалан, иш ҳақини олайлик, корхоналарда иш ҳақи, одатда, ойига 2 марта тўланади. Иш ҳақига мўлжалланган маблағлар токи ишлатилганга қадар кредит бериш мақсадларига ишлатилиши мумкин. Ёки корхоналар фойдаси ҳисобидан ташкил этиладиган фондларни олайлик. Улар ҳам кредит ресурси сифатида ишлатилади.

Демак, кредит категорияси тақсимлаш натижасида юзага келган маблағларни қайтадан тақсимлайди.

15

Берилиш муддатига қараб кредит қандай турларга бўлинади?

Кредит берилиш муддатига кўра учта йирик турга бўлинади:

- 1 | қисқа муддатли кредитлар (муддати бир йилгача бўлган кредитлар);
- 2 | ўрта муддатли кредитлар (муддати бир йилдан уч йилгача бўлган кредитлар);
- 3 | узоқ муддатли кредитлар (муддати уч йил ва ундан ошиқ бўлган кредитлар).

Халқаро кредитлар берилиш муддатига кўра бирмунча фарқ қилади. Бунда 1 йилдан 5 йилгача муддатга

берилган кредитлар ўрта муддатли, 5 йил ва ундан ошиқ муддатга берилган кредитлар узоқ муддатли кредитлар деб ҳисобланади.

16

Ўзбекистон Республикасида қисқа муддатли банк кредитининг ўта юқори салмоққа эга эканлигини қандай изоҳлаш мумкин ?

1993 йилда акцияли-тижорат саноат қурилиш банкида қисқа муддатли кредитларнинг салмоғи 93,0% ни, деҳқончилик саноат банкида эса 92,3%ни ташкил этди. Бошқа тижорат банкларининг кредит ресурслари ҳажмида эса 62,1% дан 83,2% гачани ташкил этади.

Қисқа муддатли кредитларнинг бу даражада юқори салмоққа эга эканлигининг икки асосий сабабини кўрсатиш мумкин:

- 1 | инфляция даражасининг сезиларли равишда юқори эканлиги. У узоқ муддатли кредитлар беришни банklar учун самарасиз қилиб қўяди;
- 2 | узоқ муддатли кредитлаш билан шуғулланувчи институтларнинг ривожланмаганлиги.

Инвестиция банклари, турли мулк шаклларидаги фондлар ва бошқа институтлар узоқ муддатли ссуда капиталлари бозорини юзага келтиришлари керак.

17

Кредитлаш чегаралари ҳақида нималарни биласиз ?

Кредит муносабатларининг субъектларига ёки сусудаларнинг турларига нисбатан аниқ кўрсаткичлар шаклида белгилаб қўйиладиган кредитдан фойдаланишнинг қатъий чегараси кредитлаш чегараси деб юритилади. Кредитлаш чегараси микроиқтисодий даражада аниқ кўрсаткичлар шаклида белгиланиши мумкин. Масалан, кредитнинг ҳажми ва ялпи ижтимоий маҳсулот ҳажми ўртасидаги нисбатдан фойдаланиб кредит чегарасини аниқлаш мумкин. Бу кўрсаткичнинг оптимал даражасига эришиш учун турли иқтисодий таъсир чораларидан фойдаланиш лозим. Шулардан бири корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда кредитлашдир. Бундай тадбирлар жумласига банкларнинг ликвидлилигини сақлаш мақсадида иқтисодий нормативларни қўллаш, битта миждозга бериладиган кредит миқдорини чеклаш каби тадбирларни кириштиш мумкин.

18

Кредитнинг чегаралари деганда нимани тушунасиз ?

"Кредитлаш чегаралари" деган тушунча билан бир қаторда "Кредитнинг чегаралари" деган тушунча ҳам мавжуддир.

Кредитнинг чегаралари деганда кредитнинг бошқа иқтисодий категориялардан фарқли томонларини,

айни вақтда, ўша категориялар билан ўзаро алоқаларини мужассамлаштирувчи тушунчага айтилади.

Кредитнинг икки муҳим белгисидан келиб чиқувчи урта асосий чегарасини кўрсатиш мумкин:

1. Кредитнинг ички чегараси.

Бу чегара кредитнинг турли шаклларга эга эканлигидан келиб чиқади, яъни банк кредити, тижорат кредити, истеъмол кредити, давлат кредити ва ҳ.к.

Кредитнинг ички чегараси миқдор жиҳатдан кредитнинг ҳар бир шаклига бўлган талабга, корхона ва бутун халқ хўжалигининг эҳтиёжига ва мавжуд кредит ресурсларига боғлиқ:

2. Кредитнинг қайта тақсимлаш чегараси.

Кредитнинг ушбу чегараси иқтисодиётда мавжуд кредит ресурсларининг ҳажми билан белгиланади:

3. Кредитнинг антиципациявий чегараси.

Кредит ёрдамида пул жамғармалари ҳосил қилиш имкониятларининг сўнгги чегараси антиципациявий чегара деб юритилади. Кредитнинг антиципациявий имконияти унинг барча шаклларида намоён бўлади. Кредитнинг бу иккала чегараси унинг функцияларидан келиб чиқади.

Ш Б О Б

19	Кредитлаштириш деганда нимани тушунасиз ?	29
20	Лизинг кредитлашнинг қандай шакли ?	30
21	Лизингнинг қандай турларини биласиз ?	30
22	Лизингнинг ижарадан қандай фарқи бор ?	31
23	Форфейтинг нима ?	32
24	Форфейтингнинг афзалликлари нимада ?	33

25	Ўзбекистон шaroитида форфейтингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқми ?	33
26	Конткоррент кредити тўғрисида нималарни биласиз ?	34
27	Конткоррент кредитининг қандай афзалликлари бор ?	35
28	Конткоррент кредити бўйича фонд ҳисоблаш тартибини биласизми ?	36
29	Конткоррент счёти бўйича кредитлаш деганда нимани тушунасиз ?	37
30	Ҳисобли (дисконтли) кредит деганда нимани тушунасиз ?	38
31	Ҳисобли кредитнинг банк миқноси учун қандай афзалликлари мавжуд ?	39
32	Ҳисобли кредит беришнинг тижорат банки учун қандай афзалликлари мавжуд ?	39
33	Ломбардли кредитни қандай тушунасиз ?	40
34	Ломбардли кредитнинг қандай афзалликлари бор ?	41

35	Аваль кредити нима ?	41
36	Аваль кредитнинг афзалликлари нимада ?	42
37	Акцептли кредит деганда нимани тушунаси ?	43
38	Акцептли кредитнинг қандай афзалликлари мавжуд ?	43
39	Рамбурсли кредит деганда нимани тушунаси ?	44
40	Банк акцепти нима ?	44
41	Еврокредитлар хусусида нималарни биласиз ?	45
42	Кредит йиғиндисининг ўз вақтида қайтарилишига тўсқинлик қилувчи асосий омиллардан қайсыларини биласиз ?	45
43	Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги даврида кредит ресурслари бозоридаги рақобат муҳити ҳақида нималар дея оласиз ?	47

Кредитлаштириш деганда, кредит ресурслари ҳисобидан тадбирларни амалга ошириш даражаси тушунилади. Унинг кенг тарқалган турларидан бири банкли кредитлаштиришдир. Бунинг мазмуни шундаки, барча тадбирлар банк муассасалари томонидан амалга оширилади. Масалан, тижорат банки корхонага асбоб-ускуналар сотиб олиш мақсадида кредит беради. Бу жараён банк томонидан кредитлаштириш деб аталади.

Ривожланган хорижий давлатларда, хусусан, Германия, Буюк британия, Бельгия каби давлатларда кредитлаштириш тушунчаси камдан-кам ҳолларда қўлланилади. Банк маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбирлар ҳам молиялаштириш деб аталади.

Бизнинг республикамизда мавжуд назарий қоидаларга кўра, молиялаштириш деганда қайтариб олинмаслик шарти билан маблағлар бериш тушунилади. Масалан, давлат бюджетидан бериладиган субсидияларни молиялаштириш деб аташ мумкин.

Кредитлаш деганда эса, банклар томонидан бериладиган кредитлар ҳисобига амалга ошириладиган тадбирлар тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, молиялаштириш тушунчаси Ғарбий Европа давлатларида кенг маънода қўлланилади. Яъни ҳар қандай маблағлар ҳисобидан тадбирларни амалга ошириш молиялаштириш деб юритилади.

Бизда эса, кредитлаштириш ва молиялаштириш тушунчаларининг ўртасида қатъий чегара мавжуд.

20

Лизинг кредитлашнинг қандай шакли ?

Лизинг - бу заводларни, саноат товарларини, ускуналарни, кўзгалмас мулкларни мулк эгаси томонидан уларни ишлаб чиқариш мақсадларида ишлатиш учун ижарага бериш тўғрисидаги шартномадир. Бунда товарлар ижарага берувчи томонидан сотиб олинган бўлади ва шу сабабли ижарага берилган товарларга нисбатан мулк ҳуқуқини сақлаб қолади. Лизинг шартномасида банклар ёки лизинг фирмалари ижарага берувчи ҳисобланади.

Лизинг ибораси инглизча "For lease" сўздан олинган бўлиб "ижарага олмоқ" деган маънони англатади.

Лизинг кредитлаш шакли сифатида жаҳон банк амалиёти учун янгилик эмас. Лизинг типидagi операцияларнинг эрализгача бўлган икки минг йил муқаддам қадимги Вавилонда мавжуд бўлганлиги тарихий манбаларда қайд этилган.

21

Лизингнинг қандай турларини биласиз ?

Лизингнинг асосан икки тури мавжуд:

- 1| оператив лизинг;
- 2| молиявий лизинг.

Оператив лизинг деганда, кўп маротаба ишлатиладиган предметлар (экскаваторлар, юк кўтарувчи кранлар, ЭҲМлар, транспорт воситалари ва ҳ.к.)ни уларнинг хизмат муддатидан анча кам бўлган даврга ижарага бериш кўзда тутилади. Оператив лизингда асбоб-ускуналар нисбатан қисқа вақтга, одатда, 3-5 йилга ижарага берилади. Лизинг муддати тугагандан сўнг ускуналар янги лизинг шартномасининг объекти бўлиб қолади ёки эгасига қайтарилади.

Молиявий лизинг эса, амалда узоқ муддатли кредитлашнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Молиявий лизингнинг муддати тугагандан сўнг, ижарачи ижара объектини эгасига қайтариши, шартнома муддатини узайтириши, эски лизинг объектининг қолдиқ қийматини тўлаб сотиб олиши мумкин. Оператив лизинглардан фарқли ўлароқ, молиявий лизингда асбоб ускуналар узоқроқ муддатга (5 йилдан 10 йилгача) ижарага берилади ва амортизация тўлиқ ёки ускуна қийматининг катта қисмига нисбатан ҳисобланади.

22

Лизингнинг ижарадан қандай фарқи бор ?

Лизингнинг оддий ижарадан асосий фарқи шундаки, лизингда ижарага берилган асбоб-ускуналар шартнома муддати тугагандан сўнг, уларни қолдиқ қиймати йиғиндисидида сотиб олиш кўзда тутилади.

Лизингни фарқантирувчи хусусиятларидан яна бири шундаки, лизинг компанияларида лизинг операцияларини амалга ошириш учун ўз маблағлари етишмайди. Шу сабабли, кўпчилик лизинг операцияларида жалб қилинган маблағлар кенг қўлланилади. Ривожлан-

ган хорижий давлатларда лизинг операцияларининг 85% жалб қилинган маблаглар ҳисобидан амалга оширилган лизинг операциялари эканлиги қайд этилган. Бунда, одатда, банкнинг узоқ муддатли ссудалари жалб қилинади. Ижарачи ижарага берилаётган ускуналар қийматининг 80 фоизигача ҳажмда узоқ муддатли ссуда олади ва бу ускуналарни сотиб олади. Бунда ижарага берилаётган ускуналар ва ижара тўловлари берилган ссудалар учун таъминланганлик ҳисобланади.

Оддий ижарада эса, бу ҳолатни, яъни жалб қилинган маблагларнинг бу қадар юқори салмоққа эга эканлигининг гувоҳи бўламиз.

23

Форфейтинг нима ?

Форфейтинг тушунчаси французча "aforfait" сўзидан олинган бўлиб, кенг маънода маълум ҳуқуқларга ён бериш, деган маънони англатади.

Ҳозирги вақтда форфейтинг деганда, ташқи савдони векселни сотиб олиш йўли билан молиялаштириш тушунилади. Бунда векселни сотиб олувчи тўловчининг тўлай олмаслик хавф-хатарини тўлиқ ўз зиммасига олади.

Айтайлик, тижорат банки ўз мижози бўлган товар сотувчисининг векселини сотиб олди. Тўлов муддати келган пайтда сотувчи векселда кўрсатилган йиғиндини тўлай олмай қолди, дейлик. Бунда банк векселни сотган корхонага ўз эътирозини билдира олмайди. Чунки вексел форфейтинг шаклида тўлиқ сотиб олинган эди.

24

Форфейтингнинг афзалликлари нимада ?

Форфейтингнинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- 1 экспорт қилувчи сотган товари учун олиши лозим бўлган тушумга тезда эга бўлади, яъни банк векселни тўлиқ ундан сотиб олади;
- 2 товар сотиб олувчининг тўлай олмай қолиш хавф-хатари тўлиқ банк зиммасига ўтади. Банк эса, унинг молиявий аҳволини мукаммал текшириш имкониятига эга. Чунки банкларда корхоналар фаолиятини ҳар томонлама пухта таҳлил қилувчи мутахассислар мавжуд;
- 3 банк ёки форфейтинг билан шуғулланувчи махсус фирмалар форфейтинг операцияларидан барқарор даромад олишлари мумкин. Бу албатта, ўша мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликка боғлиқ.

25

Ўзбекистон шароитида форфейтингдан фойдаланиш мақсадга мувофиқми?

Ҳа, форфейтингдан давлат тасарруфида бўлган йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда фойдаланиш мумкин. Йирик ғарб фирмалари ўрта ва узоқ муддатли лойиҳаларни форфейтинг ёрдамида кредитлаб, қатор йиллар мобайнида барқарор даромад манбаига эга бўлишлари мумкин. Бунинг учун республикада бир қатор имкониятлар мавжуд:

- 1 | давлат векселда кўрсатилган йиғиндини ўз вақ-
тида тўлаш учун гарант (кафолат) вазифасини
ўтайди;
- 2 | республикада мавжуд хом-ашё ресурслари ва
арзон иш кучининг мавжудлиги рақобатга дош
бера оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш
имконини беради. Бу эса, молиялаштирилган
лойиҳаларнинг самарадорлигини оширади;
- 3 | чет эллик сотувчиларни конкрет сотиб олувчи
корхоналарнинг ишончлилиги у даражада таш-
вишлангирмаса ҳам бўлади. Чунки улар
Ўзбекистоннинг йирик банклари томонидан
акцептланган векселлар билан иш қиладилар.

26

Контокоррент кредити тўғрисида нималарни биласиз ?

Контокоррент кредити ривожланган индустриал давлатлар (Германия, Австрия, Швейцария)да, аниқроғи, асосан, немис тилида сўзлашувчи давлатларнинг банк амалиётида кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси банк амалиёти учун ҳозирча бу янгиликдир.

Контокоррент кредити - банкнинг ўз мижозига берадиган кредити бўлиб, бу кредит мижознинг эҳтиёжига қараб турли ҳажмларда, аммо шартномада кўрсатилган максимал йиғиндидан ошиб кетмаган ҳолда ишлатилиши мумкин.

Контокоррент кредити, одатда, банкнинг мижози бўлган корхона кўп сонли корхоналар билан икки томонлама алоқада бўлган ҳолларда қўлланилади. Сабаби

шундаки, корхона бунда ҳам товар сотувчи, ҳам сотиб олувчи бўлиб иштирок этади. Бу эса корхонада доимо пул мажбуриятлари ва талабларини юзага келтиради. Банк ўз мижозининг тўлов оборотининг узлуксизлигини гаъминлаш мақсадида, унинг жорий даврдаги талаб ва мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширишни ўз зиммасига олади. Бунинг учун контокоррент счёти очилади. Бу счётда ҳар куни келиб тушган тушумлар ва тўланган йиғиндилар қайд қилиб борилади. Шундай ҳолатлар бўладики, мижознинг мажбуриятлари, яъни у тўлаши лозим бўлган йиғинди унга бошқа корхоналар тўлаши лозим бўлган йиғиндидан ортиқча бўлади. Яъни салбий қолдиқ юзага келади. Бундай ҳолатда мижоз банк билан контокоррент кредити бериш тўғрисида келишиб олади.

27

Контокоррент кредитининг қандай афзалликлари бор ?

I. Мижоз учун афзалликлар:

- a) *кредит унга бўлган эҳтиёжларга мувофиқ равишда амалга оширилади;*
- b) *кредит учун фоиз фақатгина дебетли сальдога нисбатан ҳисобланади. Бу эса харажатларни тежаш имкониятини беради;*
- c) *кредитдан кўп қиррали фойдаланиш имкониятини юзага келтиради. Масалан, ишлаб чиқаришни кредитлаш, вақтинчалик юзага келган пул етишмовчилигини бартараф қилиш, товароборотни кредитлаш, қисқа вақт оралигида юзага келган*

балансинг ликвидлигига дахл қилувчи омилларга барҳам бериш кабилардир.

d) кредит доимий пролонгация йўли билан узоқ йилларга берилиши мумкин.

II. Тижорат банки учун афзалликлари:

a) вақтинчалик бўш ликвидли маблағлардан, айнқиса, муддатсиз ва муддатли депозит маблағлардан фойдаланиш имконини беради;

b) мижознинг ишончилиги ва умуман, унинг хўжалик фаолиятининг натижалари ҳақида банк аниқ тасавурга эга бўлади. Чунки банк коррент счётини юритади;

c) дебетли фоишлар, комиссиян тўловлар шаклида катта даромад олади.

28

Коррент кредити бўйича фоиш ҳисоблаш тартибини биласизми ?

Коррент кредити бўйича ҳисоб-китоблар маълум вақт ўтгандан сўнг, одатда, чоракда ёки ҳар ярим йилда бир марта амалга оширилади. Бунда коррент счёти бўйича ўтган даврда амалга оширилган барча тўловлар ва тушумларнинг қолдиғи аниқланади ва ишлатилган коррент кредитининг қақиқатдаги йиғиндиси ҳисоблаб топилади. Коррент кредити бўйича фоишлар қуйидаги формулага асосланиб ҳисобланади:

$$Z_n = K * I * n = K * \frac{P}{100} * n, \quad (1)$$

бунда:

Z_n - ҳисобланган давр (n) учун фоиш,

K - кредитнинг ҳисобланган йиғиндиси,

I - фоиз ставкаси,

P - фоиз тўловлари йиғиндиси.

Контокоррент кредити счётидаги ҳамма ўзгариб турувчи қолдиқни қоплаш мақсадларига берилишини инобатга олсак, унда фоизларни ҳисоблашда ҳар бир кредитнинг ўртача давомийлигини ҳам ҳисобга олишга тўғри келади:

$$Z_n = \frac{K}{100} * z * \frac{360}{P}; \quad (2)$$

бунда $n = \frac{t}{360}$; *t*-кредит муддати.

Энди (1) ва (2) формулалар асосида контокоррент кредитининг умумий формуласини аниқлаймиз.

$$Z_n = \left(\frac{K_1}{100} * t_1 + \frac{K_2}{100} * t_2 + \dots + \frac{K_m}{100} * t_m \right) : \frac{360}{P} \quad (3)$$

29

**Контокоррент счёти бўйича
кредитлаш деганда нимани
тушунасиш ?**

Тижорат банкининг мижози бир вақтнинг ўзида бир неча корхоналар билан ўзаро муносабатда бўлади. Бу корхоналар унга мол етказиб берувчи ҳам, сотиб олувчи ҳам бўлади. Бундай ҳолатда банкнинг ушбу мижозидо доимо ўзгарувчан пуллик талаб ва мажбуриятлар мавжуд бўлади. Банк бу мижозининг тўлов оборотини узлуксизлигини таъминлаш мақсадида, унинг жорий даврдаги талаб ва мажбуриятлари бўйича ҳисобкитобларни ўз зиммасига олади. Бунинг учун у конто-

коррент счёти очади. Счётда ҳар бир кунлик тўловлар ва тушумлар акс эттирилиб борилади. Мижознинг мажбуриятлари вақтинча талабдан ошиқ бўлган ҳолатда мижоз банкдан контокоррент кредити олади.

Мижоз контокоррент кредитини ўзининг молиявий аҳволидан келиб чиққан ҳолда, турли ҳажмда ишлатиши мумкин. Лекин шартномада кўрсатилган максимал кредит йиғиндисидан ошиб кетмаслиги керак.

Контокоррент кредити мижозга турли шаклларда нақд пуллар шаклида, ўтказмалар шаклида, векселларни тўлаш, яъни, қимматбаҳо қоғозлар сотиб олиш ва бошқа шаклларда берилиши мумкин.

30

Ҳисобли (дисконтли) кредит деганда нимани тушунасиз ?

Векселни тижорат банкига сотиш йўли билан олинадиган кредит ҳисобли кредит дейилади. Векселни сотиб олиш баҳоси, векселда кўрсатилган йиғиндидан фоизларни, комисион тўловларни ва бошқа харажатларни айириб ташлаш йўли билан аниқланади. Вексел эгаси бу йиғиндини нақд пул кўринишида ёки счётига ўтказиш орқали олиши мумкин. Вексел банк номига махсус ёзув орқали ўтказилади. Бу ёзув индоссамент деб аталади. Шунинг билан вексел бўйича мавжуд барча ҳуқуқлар банкка ўтади. Мазмунига кўра, бу кредит операциясидир. Чунки тижорат банки векселнинг эгасига векселда кўрсатилган муддатга кредит беради. Одатда бу муддат 90 кундан ошмайди.

31

**Ҳисобли кредитнинг банк мижози
учун қандай афзалликлари мавжуд?**

Ҳисобли кредитнинг тижорат банкларининг мижозлари учун қуйидаги афзалликлари бор:

- a) *ҳисобли кредит контокоррент кредитидан анча арзон бўлган кредитдир;*
- b) *мижозларнинг дебитор қарзларини тўлаш муддати анча узайтирилгани, уларга ликвидли маблағлардан бевосита фойдаланиш имконини беради;*
- c) *кўшимча кафолатлар талаб қилишга унчалик зарурат тугилмайди.*

32

**Ҳисобли кредит беришнинг
тижорат банки учун қандай
афзалликлари мавжуд?**

Ҳисобли кредит беришнинг тижорат банки учун бир қатор афзаллик томонлари бор. Шулардан асосийлари қуйидагилардир:

- a) *ҳисобли кредит - бу ликвидли кредитдир. Тижорат банки уни хоҳлаган вақтда марказий банкка бериб кредит йигиндисини нақд олиши мумкин. Амалиётда бу операция **редисконт** деб аталади;*
- b) *ҳисобли кредит нисбатан хавфсиз кредитдир. Векселда кўрсатилган йигиндини тўлов учун жавобгар шахс тўлайди. Унинг тўловга қобиллиги эса ариза бериш жараёнида текшириб кўрилади. Тўлов амалга оширилган кун аниқ кўрсатиб қўйилади;*

с) ҳисоблаш кредит банк учун яхши даромад манбаидир. Вексельни сотиб олиш вақтида белгиланадиган чегирма йиғиндисиз сезиларли миқдорда даромад келтиради. Муддатидан олдин тўлиқ редисконт қилинган тақдирда ҳам тижорат банки даромад кўради. Чунки, марказий банкнинг дисконт ставкаси тижорат банкнинг ставкасидан past бўлади.

33

Ломбардли кредитни қандай тушунасиз ?

Ломбард деганда осон ва тез сотиш мумкин бўлган буюмларни гаровга олиш тушунилади. Бундай гаров ломбардли кредитнинг асосини ташкил қилади. Ломбардли кредитлар ўрта асрларда ҳам мавжуд бўлган, айниқса, шимолий Италияда кенг ривожланган эди.

Ломбардли кредит - қисқа муддатли, миқдори қатъий белгиланган ссуда бўлиб, осон сотиладиган қўзгалувчи мулк ёки ҳуқуқ билан таъминланган бўлади.

Ломбардли кредит берилаётганда гаров тўлиқ миқдорда баҳоланмайди. Балки, қўзгалувчан мулкнинг турига қараб, унинг қийматининг бир қисми ҳисобга олинади. Баҳолашда бундай тартибнинг мавжудлиги гаровга қўйилган мулкни сотиш жараёнида юзага келувчи хавф-хатарга боғлиқ. Ломбардли кредит муомала соҳасини қисқа муддатли кредитлашда кенг қўлланилади. Кўпинча у **овердрафт** ёки мавсумий кредитлаш шаклида ишлатилади.

34

Ломбардли кредитнинг қандай афзалликлари бор ?

1. Ломбардли кредитнинг кредит олувчи учун афзаллик томонлари қуйидагилар ҳисобланади:

- a) ликвидли маблағларга кучли эҳтиёж сезилган тақдирда вақтинчалик, қисқа муддатли пулларни юзага келтиради;*
- b) кредитнинг амал қилиши муддати унга бўлган заруриятга боғлиқ равишда ўрнатилиши мумкин;*
- c) рентабелли қимматли мулклар гаровга қўйилганда, уларни сотишга зарурат қолмайди (масалан, қимматбаҳо қозғозлар);*
- d) гаровга қўйилган буюмга мулкчилик ҳуқуқи сақланиб қолади.*

2. Кредит берувчи томон учун афзаллиги:

- ломбардли кредит - бу аввало ишончли кредит, яъни кредит тўлови кечикиб қолган тақдирда кредитор гаровни сотади ва тушган пулга эга бўлади.

35

Аваль кредити нима ?

Амалиётда шундай ҳоллар тез-тез учраб турадики, бунда корхоналар товарларни сотгандан сўнг, анча вақт ўтгандан кейин тўлов йиғиндисини оладилар. Ёки аксинча корхона товар ҳақини ҳали товарлар келиб тушмасдан бурун тўлаб қўяди. Товарни эса маълум вақт ўтгандан кейин олади. Бундай ҳолларда, энг маъқул йўл-тўловнинг ёки товар етказиб бериш кафолатининг мавжудлигидир. Тўлов кафолати ёки товар етказиб бе-

риш кафолатини берувчи ишончли субъектлардан бири тижорат банкларидир. Уларнинг кафолати кредит шаклига эга бўлади.

Аваль кредитини бераётганда банк мижознинг мажбурияти учун жавобгарликни ўз зиммасига олади. Аваль кредитини олган мижоз тўловни амалга ошира олмай қолса, банк кафолатдор шахс сифатида тўловни амалга оширади. Аваль кредити узоқ муддатли ёки қисқа муддатли бўлиши мумкин.

36

**Аваль кредитининг
афзалликлари нимада ?**

1. Аваль кредитининг мижоз учун қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- a) мижознинг харажатларини камайтиради;*
- b) махсус кафолатларга зарурият тугилмайди;*
- c) битимни амалга ошириш тезлашади;*
- d) аваль кредитини олган шахс ликвидли маблағларни ишлатмаслиги мумкин, чунки, у кейинроқ қарама - қарши тўловларни амалга ошириши мумкин.*

2. Аваль кредитининг тижорат банки учун қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- a) банкнинг ликвидли маблағлари ишлатилмаслиги, мижознинг ихтиёрига берилмаслиги мумкин. Лекин шунга қарамасдан банк даромад олади;*
- b) аваль кредитида юзага келувчи чиқимлар сезиларсиздир.*

37

Акцептли кредит деганда нимани тушунасиз ?

Акцептли кредит - бу кредитнинг шундай шаклики, бунда банк, унга мижоз томонидан қўйилган ўтказилувчан векселни маълум шарт билан акцептлайди. Бу шартга биноан мижоз векселнинг қоплаш йиғиндисини векселда кўрсатилган тўлов муддати тугагунга қадар банкка ўтказиши керак. Банк эса, шу шарт асосида векселни акцептласагина, бу кредитни акцептли кредит дейиш мумкин. Юқори обрўга, шон-шуҳратга эга бўлган банкларнинг акцептланган векселлари учинчи шахслар томонидан тезда сотиб олинади. Тижорат банки ва трассант ўртасидаги ўзаро муносабатлар қонун йўли билан тартибга солиб турилади.

38

Акцептли кредитнинг қандай афзалликлари мавжуд ?

1. Акцептли кредитнинг мижоз учун қуйидаги афзалликлари мавжуд:

- a) кредит олувчи мижоз тўловни амалга ошириши учун биринчи тоифали маблағларга, яъни энг ишончли тўлов воситаларига эга бўлади;*
- b) кредитнинг қўшимча кафолатларига зарурият йўқолади;*
- c) акцептли кредит контокоррент ва ломбард кредитларидан арзонроқдир.*

2. Тижорат банки учун афзалликлари:

- a) ўз маблағларини ишлатиши шарт бўлмаса-да, банк даромад кўради;
- b) агар ўзи акцептланган вексел дисконтланса у ҳолда капитални рентабелли, кафолатли сарфлаш имконияти тугилади.

39

Рамбурсли кредит деганда нимани тушунасиз?

Рамбурсли кредит деганда, аккредитивни акцептли кредит билан уйғунлашувига айтилади. Экспортёр ҳужжатларни банкка топширган пайтда товарлар қиймати ўрнига пул эмас, балки банк акцептини олади. Ва, экспортёр ушбу банк акцептини тўлов муддати келгунга қадар сақлаб туриши мумкин ёки банкка маълум дисконт билан топшириши мумкин.

40

Банк акцепти нима ?

Банк акцепти деганда, импортёр банки томонидан унинг векселини акцептланишига айтилади. Банк акцептлари ташқи савдони қисқа муддатли кредитлашда ишлатилади. Бунда, сотилган товарлар йиғиндисини тўлаш муддати келгандан сўнг, импортёр тўлай олмай қолса, унинг банки, яъни векселни акцептлаган банк тўловни амалга оширади.

41

**Еврокредитлар хусусида
нималарни биласиз ?**

Ҳозирги кунда кўплаб тижорат банклари еврокредитлар бериш билан шуғулланмоқда. Еврокредитлар деб, евровалюталарда бериладиган кредитларга айтилади. Энг кенг тарқалган евровалюталар сифатида АҚШ долларини, Германия маркасини, Япония иенасини, Буюк британия фунтстерлингини, Франция франкини ва Швейцария франкини кўрсатиш мумкин. Жаҳон ссуда капиталлари бозорида бу валюталарга "евро" сўзи қўшиб айтилади: евродоллар, евромарка, еврофунтстерлинг ва ҳ.к.

Евровалюта нима ? Евровалюта деганда ўша валютанинг мамлакат ташқарисидаги барча йиғиндиси тушунилади. Масалан, евродоллар деганда, АҚШ территориясидан ташқаридаги барча АҚШ долларлари тушунилади. Ҳозирги кунда дунёда 25000 дан ошиқ тижорат банки бўлиб, шулардан 50 га яқини еврокредитлар билан шуғулланади.

42

**Кредит йиғиндисининг ўз вақтида
қайтарилишига тўсқинлик қилувчи
асосий омиллардан қайсиларини
биласиз?**

Корхоналар, одатда, кредитнинг турли шакллари-дан фойдаланадилар. Бинобарин, кредитни ўз вақтида қайтарилишига тўсқинлик қилувчи омиллар ҳам ана

шунга асосланиб шаклланади. Ана шундай омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Корхоналарнинг тармоқ хусусияти.

Нефтни қайта ишловчи корхоналар учун дуч келадиган хавф-хатар тўқимачилик комбинатидан фарқ қилади.

2. Рақобат позицияси.

Битта тармоққа мансуб корхоналар орасида айримлари бошқа корхоналарга нисбатан кучли рақобат позициясига эга бўлади. Бундай позиция баҳо сиёсати орқали, товарларнинг таркиби ва сифатини ўзгартириш орқали таъминланиши мумкин.

3. Жорий самардорлик.

Корхона рақобатга дош бера оладиган товарлар ишлаб чиқариш имкониятига эгами? Ёки корхона юқори даражадаги ҳаражатлар бўлишига қарамасдан, рақобатчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмидан ўзиб кетишига ҳаракат қилади.

4. Корхонанинг бошқарув тизими.

Корхона бошқарув тизимининг самардорлиги, сифати кредит хавф-хатарини баҳолашда ўта муҳим омил ҳисобланади. Бунда корхона раҳбарининг ёши, иш тажрибаси, билимдонлиги, виждонлилиги ҳисобга олинади.

Корхонанинг бозордаги мавқеи ҳам унинг бошқарув тизимининг сифатига гувоҳлик беради.

43

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги даврида кредит ресурслари бозоридаги рақобат муҳити ҳақида нималар дея оласиз ?

Бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги даврида, республикамызда, кредит ресурслари бозорида рақобат муҳити тўла шаклланганича йўқ. Бунинг асосий сабаби, собиқ СССР иқтисодиётидаги монобанк тизимидир. Ушбу тизимнинг асорати ҳамон кучли даражада сезилиб турибди. Бу ҳолат банклараро рақобатнинг заифлигида намоён бўлмоқда.

1994 йилнинг 1 январи маълумотига кўра, республикамызда 31 та тижорат банки бўлиб, улардан энг асосийлари учта йирик банк ҳисобланади:

- 1 | республика акцияли-тижорат деҳқончилик-саноат банки;
- 2 | акцияли - тижорат саноат-қурилиш банки;
- 3 | республика акцияли-тижорат ташқи иқтисодий фаолият бўйича миллий банки.

Бу уччала банк ҳиссасига банк тизимидаги жами кредит ресурсларининг 93 фоизи тўғри келади. Демак, булар монопол банклардир.

Республика ҳукумати банклараро рақобат муҳитини вужудга келтириш учун ихтисослаштирилган банкларни (Ғаллабанк, Савдогарбанк, Мева-сабзавот-банк ва ҳ.к.) ташкил этди. Марказий банк ҳам рақобат муҳитини юзага келтириш учун шундай ишларни амалга оширмоқда.

Ш Б О Б

ЛИЗИНГ КРЕДИТЛАШНИНГ ЯНГИ ШАКЛИ СИФАТИДА

44 Қандай халқаро лизинг ташкилотларини биласиз ? 50

45 АҚШдаги лизинг операциялари тўғрисида нималарни биласиз ? 50

46 Буюк британияда лизинг операциялари қандай амалга оширилади ? 51

47 Халқаро лизинг ташкилотларининг вазифалари нималардан иборат ? 52

48 Франциядаги лизинг операцияларининг ўзига хос хусусиятлари нимада ? 52

49 Германияда лизинг операциялари хусусида нималарни биласиз ? 53

50	Австриядаги лизинг операциялари қандай амалга оширилади?	53
51	Италиядаги лизинг операциялари тўғрисида нималар дея оласиз?	54
52	Япониядаги лизинг ташкилотлари хусусида нималарни биласиз ?	55
53	Швецияда лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби қандай ?	55
54	Испаниядаги лизингнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида нималарни биласиз ?	56
55	Лизинг шартномасида мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган элементларни биласизми ?	56

44**Қандай халқаро лизинг ташкилотларини биласиз ?**

Йирик халқаро лизинг ташкилотларидан "Эбиклиз" ни ва миллий лизинг ассоциацияларининг Европа федерацияси (Лизюроп)ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. "Эбиклиз" Голландия, Италия, Германия, Австрия, Буюк британия, Бельгия ва Франция давлатларидаги лизинг компанияларини бирлаштиради. Бу ташкилот кўпчилик ҳолларда халқаро лизинг битимларини амалга оширишда воситачи вазифасини ўтайди.

"Лизюроп" 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирги кунда 17 та мамлакатнинг 700 та лизинг компаниясини бирлаштиради. Унинг таркибига Австрия, Бельгия, Болгария, Швейцария, Германия, Дания, Испания, Франция, Буюк британия, Италия, Ирландия, Люксембург, Норвегия, Голландия, Португалия, Швеция, Финляндия давлатлари киради.

45**АҚШдаги лизинг операциялари тўғрисида нималарни биласиз ?**

АҚШда лизинг бой кишиларда пайдо бўлади. Ҳозирги вақтда лизинг ёрдамида амалга ошириладиган жаҳон савдо оборотининг тенг ярми АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

АҚШда лизингни юксак суръатларда ривожланишининг муқим сабабларидан бири инвестициявий солиқ имтиёзи эди. Бунга янги инвестициялар йиғиндисининг 10 фоизигача солиқ йиғиндисидан чиқариб ташланар эди. Масалан, асбоб-ускуналар сотиб олиш харажатлари 100 минг доллар дейлик, солиқ имтиёзи 10%, солиқ йиғиндисидан 10 минг доллар чиқариб ташланади. Лизинг шартномасида солиқ имтиёзи Молия вазирлигининг ички даромадлари бошқармаси томонидан ижара учун ўрнатган қондаларга мос келган ҳолдагина қўлланилади. Шундай қондалардан бирига кўра бу лизингнинг давомийлиги 30 йилдан кам бўлади.

46

Буюк британияда лизинг операциялари қандай амалга оширилади?

Буюк британияда лизинг нисбатан кеч, яъни 1970 йилдан кейингина кенг кўламда ривожланди.

1981 йилдан 1986 йилгача ҳукумат корпорацияларидан олинadиган солиқ 52%дан 35%га пасайган. Шу вақтгача қўллаб келинган 100% ли солиқ имтиёзи (бу имтиёз биринчи йилга нисбатан қўлланиларди) 25% ли имтиёз билан алмаштирилди.

Корпорациялардан олинadиган солиқ ставкаси пасайтирилиши билан лизингга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзининг ҳам аҳамияти пасайди. Бу эса лизинг ва ускуналар сотиб олиш қийматининг пасайишига олиб келади.

Ҳозирги кунда ҳам солиқ имтиёзларининг маълум қисми сақланиб қолган. Масалан, биринчи йил мобайнида ижара тўловлари солиққа тортилмайди.

47

Халқаро лизинг ташкилотларининг вазифалари нималардан иборат ?

Халқаро лизинг ташкилотларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- a) буларга аъзо мамлакатларнинг қонунчиликларини ўрганиш ва таққослаш;
- b) барча ҳуқуқий, солиқ, молиявий масалаларни ҳал этиш;
- c) лизинг битимларининг шартлари тўғрисидаги статистик маълумотларни йиғиш;
- d) лизинг фирмаларини ташкил этиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўрганиш.

48

Франциядаги лизинг операцияларининг ўзига хос хусусиятлари нимада ?

Францияда 1967 йилда "Локафранс" номли биринчи лизинг компанияси юзага келди. Ҳозирги кунда кенг турдаги товарлар, самолёт ва вертолётлар, ҳисоблаш техникалари, тиббий асбоб-ускуналар, саноат дастгоҳлари ва ҳоказолар лизинг ёрдамида ишлатилмоқда.

Францияда лизинг операцияларининг қуйидаги асосий хусусиятларини кўрсатиш мумкин:

- 1 | лизинг объектининг қолдиқ қиймати унинг бошланғич қийматининг 1%идан 7%гачани ташкил этади;
- 2 | ижара тўловлари ойда 1 марта, 3 ойда, 6 ойда ва йилда тўланади;

3 | у ерда кўзгалмас мулкларнинг лизинги кенг ривожланган.

Бундай лизинглар, одатда 15-20 йил давом этади. Бу соҳадаги энг йирик ташкилот СИКОМИ бўлиб, у акцияли компаниядир. Ҳозирги кунда 10 млн. франкдан ошиқ низом фондига эга.

49

Германияда лизинг операциялари хусусида нималарни биласиз ?

Ҳозирги кунда Германияда кўплаб лизинг компаниялари учрайди. Улардан 57 таси немис лизинг ассоциацияси таркибига киради.

Лизинг соҳасидаги энг йирик ташкилотлардан иккитасини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар - "Митфинанц Гимбх" ва "Гефа - лизинг Гимбх".

"Митфинанц Гимбх" 1962 йилда ташкил этилган. Германияда биринчи бўлиб ташкил этилган бу лизинг компаниясининг устав капитали 1 млн. немис маркасини ташкил этади. Ҳозирги вақтда унинг олтита ўзига қарашли компанияси мавжуд.

"Гефа-лизинг Гимбх" 1968 йилда ташкил этилган. Ўзининг ҳозирги кунгача бўлган фаолияти мобайнида, у ўз мижозларига 3 млрд. немис маркаси миқдоридagi ускуналарни ижарага берди.

50

Австриядаги лизинг операциялари қандай амалга оширилади?

Австрияда ижаранинг ўртача муддати лизингга берилаётган предметнинг ишлатилиши муддатига қараб 2 йилдан 15 йилгача бўлган вақтни ташкил этади.

Шартнома муддати тугагандан сўнг, ижарачи предметнинг қолган ишлаш муддатига янги лизинг шартномасини тузиши мумкин ёки лизинг предметини сотиб олиш тўғрисидаги музокарани бошлаши лозим. Австрияда лизинг муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

Австрияда лизингнинг ривожлана бошлаганига 25 йил бўлди. Лизингга ҳатто болалар боғчалари ва мактаблар берилади. Австрияда 1984 йилда қабул қилинган янги солиқ қонунига мувофиқ, лизинг беришда солиқ имтиёзлари қўлланилади. Аммо бунинг учун лизинг шартномасининг муддати ускунанинг умумий ишлатилиш муддатининг 40-90%идан ошмаслиги лозим.

Австрияда "Райфанзен лизинг"ни етакчи лизинг фирмалардан бири сифатида мисол келтириш мумкин.

51

Италиядаги лизинг операциялари тўғрисида нималар дея оласиз ?

Италияда биринчи лизинг компанияси 1963 йилда пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда Италия лизинг ассоциацияси 50 та компанияни ўз ичига олади.

Лизинг бўйича солиқ имтиёзлари жамоат ташкилотлари ва иқтисодиётдаги айрим тармоқларга нисбатан қўлланилади.

Йирик лизинг компанияларидан "Локафит"ни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. "Локафит" ер текисловчи машиналарни, қишлоқ хўжалик машиналарини, бош идора (офис)лар учун ускуналарни, компьютерлар, қўзғалмас мулк, транспорт воситалари (самолётлар, кемалар, автомобиллар ва ҳоказолар)ни лизингга беради.

"Локафит"нинг Германия, Франция, АҚШ, Испания, Хитойда қўшма корхоналари мавжуд. Шунингдек, у Югославия ва Венгрия билан лизинг операцияларини амалга оширади.

52

Япониядаги лизинг ташкилотлари хусусида нималарни биласиз ?

Япония лизинг операциялари ривожланган мамлакат ҳисобланади. Японияда энг йирик лизинг компанияларидан бири "Century Leasing System" бўлиб, у 1969 йилда ташкил топган. Унинг тўланган низом капитали 584 500 000 иенни ташкил этади. Бу компания Гонконгда, Сингапурда, Буюк британияда ўз филиалларига эга. Битта тижорат банки, битта савдо ва иккита суғурта компанияси "Century Leasing System" нинг акционерлари ҳисобланади.

53

Швецияда лизинг операцияларини амалга ошириш тартиби қандай ?

Швецияда лизинг операцияларининг ривожини 60-йилларнинг бошларига тўғри келади. Ўша пайтларда лизингдан кичик ва ўрта компаниялар фойдаланар эди. Гап шундаки, бу пайтда махсус банк қонунчилиги мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир банк ўзининг кўпчилик ссудалари учун таъминланганлик бўлишини талаб этар эди. Лизинг бу ҳолатни енгиллаштирди, чунки бунда кредит берувчи асбоб-ускуналарнинг эгаси ҳисобланади. Дастлабки пайтларда қайта сотиб олиш тўғрисида шартномалар тузиларди, бу шартномаларга кўра асбоб-

ускуналар етказиб берувчи корхона ёки мижоз лизинг бўйича ўз мажбуриятини бажармаган тақдирда, ускуналарни қайта сотиб олиш мажбуриятини оларди. Ҳозирги кунда бундай қайта сотиб олиш шартномалари Швеция лизинг амалиётида жуда кам қўлланилади. Ижаранинг асосий муддати 3-5 йилни ташкил этади. Камданкам ҳолларда бу муддат 9 йилгача чўзилиши мумкин.

54

Испаниядаги лизингнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида нималарни биласиз?

Испанияда ҳозирги вақтда 117 тадан ошиқ лизинг компанияси мавжуд. Шулардан 20 таси мустақил, қолганлари банклар қошидаги компаниялардир.

Ижара муддати асосан 3-5 йилни ташкил этади. Лизинг операцияларини амалга ошириш қуйидаги қонуний ҳужжатларда ўз аксини топган:

- 1 | 1977 йилда қабул қилинган лизингнинг мазмуни ҳақидаги декрет;
- 2 | лизинг операциялари қўзғалмас мулк ҳақидаги 1980 йилда қабул қилинган декрет;
- 3 | банк муассасаларининг иштироки ҳуқусида 1988 йилги қонун.

55

Лизинг шартномасида мавжуд бўлиши шарт ҳисобланган элементларни биласизми ?

Лизинг шартномаси қуйидаги элементларни албатта ўз ичига олган бўлиши лозим:

- 1 | лизинг объекти;
- 2 | етказиб бериш муддати;
- 3 | ижара муддати;
- 4 | ижарага берувчининг мулк ҳуқуқи;
- 5 | хавф-хатар, жавобгарлик, усқунанинг соз эканлиги;
- 6 | усқуналардан фойдаланиш йўриқномалари;
- 7 | усқунани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш;
- 8 | зарарлар, тасодифий ҳодисалар;
- 9 | суғурталаш;
- 10 | ижара тўловлари;
- 11 | тўловни кечиктиргани учун жарима;
- 12 | сотиб олиш имконияти;
- 13 | шартномани бекор қилиш шартлари;
- 14 | усқунани қайтариш вақти;
- 15 | солиқлар;
- 16 | томонларнинг қўшимча ҳуқуқлари;
- 17 | лизинг шартномасининг кучга киришини кечиктирувчи шароитлар;
- 18 | зарур маълумотларни етказиш мажбурияти;
- 19 | томонларнинг жойлашган ўрни;
- 20 | банкнинг кафолати.

IV**Б****О****Б****КРЕДИТ МЕХАНИЗМИ****56**

Кредит механизми деганда нимани тушунасиз ?

60

57

Кредитга лаёқатлилиқ деганда нимани тушунасиз ?

61

58

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлигини аниқлашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади ?

61

59

Қоплаш ва ликвидлик коэффициентлари қандай ҳисобланади ?

62

60

Қоплаш ва ликвидлилиқ коэффициентларини ҳисоблашда айланма маблағларнинг қандай таркибий қисмларидан фойдаланилади ?

63

61

Кредит шартномасининг асосий талаблари нималардан иборат ?

64

62

Кредит сиёсати ва унинг объеклари деганда нимани тушунасиз ?

65

63	Кредитни нима мақсадда олинаётганлигини билишнинг банк учун қандай аҳамияти бор ?	66
64	Кредит йиғиндиси қандай аниқланади ?	67
65	Кредитни қоплаш қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширилади ?	68
66	Кредит муносабатларини ташкил қилишда кредит муддатини белгилаш қандай ўрин тутди ?	69
67	Кредитнинг таъминланганлигини қандай тушунасиз ?	70
68	Очиқ счётлар бўйича ҳисоб-китоблар деганда нимани тушунасиз ?	71
69	Кредитни бериш тартиби қандай ?	72
70	Кредитга лаёқатлиликни аниқлашда қандай маълумотлар манбаидан фойдаланилади ?	73

Кредит механизми хўжалик механизмининг таркибий қисми бўлиб, ўз ичига кредитлаш шартларини, усулларини ва кредитни бошқаришни олади. Кредит механизми ёрдамида банк тизимининг кредит сиёсати амалга оширилади. Кредит механизмининг муҳим элементларидан бири кредит шартномаси бўлиб, у кредит муносабатларини амалга оширишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади.

Кредит механизмининг муҳим элементларидан яна бири - кредитга лаёқатлилиқдир. Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини ҳисобга олган ҳолда кредит бериш, кредитни ўз вақтида қайтаришнинг муҳим шартидир. Давлат мулки бўлган жамиятда кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичи кредит механизмида муҳим ўрин эгалламайди. Чунки бунда банклар мустақил субъект бўла олмайди, кредит ресурслари эса марказлашган тарзда режа асосида тақсимланади. Энг характерли томони шундаки, банклар берадиган кредитлари учун фоиз ставкаларини мустақил белгилай олмайдилар.

Бозор иқтисоди шароитида эса, кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичи кредит беришда эътибор қилинадиган асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб қолади. Чунки тижорат банки ўз фаолияти натижаси учун тўлиқ жавобгар ҳисобланади. Кредит учун фоиз эса унинг асосий даромад манбаи бўлиб қолади.

57

Кредитга лаёқатлилиқ деганда нимани тушунасиз ?

Кредитга лаёқатлилиқ деганда корхонанинг банкдан сўраган ссудани у ўз вақтида ва тўлиқ қайтара олиш имконияти тушунилади.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини ўрганиш тижорат банкига кредит бериш мумкинлигини аниқлашга, унинг миқдорини, фоиз ставкасининг даражасини белгилашга имкон беради. Бундан ташқари, кредитга лаёқатлилиқни аниқлаш ссудани ўз вақтида қайтариш эҳтимолини чамалашга ҳам имкон беради.

Кредитга лаёқатлилиқни баҳолаш корхонанинг ўзига ҳам катта аҳамият касб этади. Бу кўрсаткичларнинг таҳлиliga асосланиб, улар мол етказиб берувчилар, харидорлар ва банклар билан ўзаро муносабатларни ўрнатишлари мумкин.

Корхонанинг кредитга лаёқатлилигини таҳлил қилишда маълумотлар манбаи бўлиб, бухгалтерия баланси, молиявий ва статистик ҳисоботлар, аналитик материаллар, бошқа банклардан ва корхоналардан кредит сўраётган корхона тўғрисидаги маълумотлар ҳисобланади.

58

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда қандай кўрсаткичлардан фойдаланилади ?

Корхоналарнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда қўлланиладиган кўрсаткичларни икки йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

I. Асосий кўрсаткичлар.

Бунга қоплаш коэффиценти ва корхона балансининг ликвидлилик коэффиценти киради.

II. Қўшимча кўрсаткичлар.

Бунга корхонанинг ўз маблағлари билан таъминланганлик кўрсаткичи, ўз айланма маблағларининг мавжудлиги ва уларни моддий захиралар ва харажатларни ташкил қилишда иштирок этиш кўрсаткичи, айланма маблағларнинг айланиш тезлиги ва ҳоказо кўрсаткичлар киради.

59

Қоплаш ва ликвидлик коэффицентлари қандай ҳисобланади ?

Қоплаш коэффиценти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_k = \frac{\text{Пул маблағлари} + \text{Осон сотиладиган талаблар} + \text{Осон сотиладиган захиралар ва харажатлар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Қоплаш коэффиценти - барча ликвидли маблағларнинг қанчалик даражада қисқа муддатли мажбуриятларнинг жами йигиндисини қоплай олишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг услубий қўлланмасига кўра, қоплаш коэффицентининг юқори чегараси 2 дан кам бўлмаслиги, қуйи чегараси эса, 1 дан кам бўлмаслиги керак. Агар корхонанинг оборот активлари қисқа муддатли мажбуриятлардан 2 мартадан ошиқ бўлса, у ҳолда бу корхонани молиявий жиҳатдан мустақкам деб ҳисоблаш мумкин. Агар коэффи-

центи 1 дан кичик бўлса, унда бу корхона ўзининг қарз мажбуриятларини тўлашга қодир эмас деб ҳисобланади.

Ликвидлилик коэффиценти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$L_k = \frac{\text{Пул маблағлари} + \text{Осон сотиладиган талаблар}}{\text{Қисқа муддатли мажбуриятлар}}$$

Ликвидлилик коэффиценти жорий мажбуриятларнинг қанча қисми мавжуд ва дебиторлардан келиб тушиши лозим бўлган пул маблағларидан, қимматбаҳо қоғозларни сотиш ва яқин уч ой ичида бошқа дебиторлардан ундирилган маблағлар ҳисобидан қопланишини кўрсатади.

60

Қоплаш ва ликвидлилик коэффицентларини ҳисоблашда айланма маблағларнинг қандай таркибий қисмларидан фойдаланилади ?

Баланснинг ликвидлигини тақлил қилишда айланма маблағларнинг қуйидаги учта гуруҳи ажратиб олинади:

- I. гуруҳ - пул маблағлари;
- II. гуруҳ - осон сотиладиган талаблар;
- III. гуруҳ - осон сотиладиган захиралар ва ҳарajatлар.

Пул маблағларига қуйидагилар киради:

- ⇒ *касса*;
- ⇒ *ҳисоб-китоб счёти*;
- ⇒ *валюта счёти*;
- ⇒ *бошқа пул маблағлари*.

Осон сотиладиган талабларга қуйидагилар киради:

- ⇒ *дебиторлар билан сотилган товарлар ва кўрсатиладиган ҳисоб-китоблар;*
- ⇒ *тўлов муддати яқин 3 ой ичида бўлган ва олинган векселлар;*
- ⇒ *корхонанинг ўзида тегишли корхоналар билан яқин 3 ой ичида бўладиган ҳисоб-китоблар;*
- ⇒ *ҳодимлар билан "бошқа операциялар" моддаси бўйича 610 чи моддадан ошиқча бўлган йиғинди юзасидан ҳисоб-китоблар;*
- ⇒ *бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар;*
- ⇒ *қайтарилиши муддати яқин 3 ой бўлган қисқа муддатли молиявий қўйилмалар.*

Осон сотиладиган захиралар ва ҳаражатларга қуйидагилар киради:

- ⇒ *ишлаб чиқариш захиралари;*
- ⇒ *туғалланмаган ишлаб чиқариш;*
- ⇒ *келгуси давр ҳаражатлари;*
- ⇒ *савдо устамаси чегириб ташлангандан кейин товарлар қиймати;*
- ⇒ *товарлар қолдигига нисбатан муомала чиқимлари;*
- ⇒ *кам баҳоли ва тез эскирувчи буюмлар (уларнинг эскириши йиғиндиси чегириб ташланган ҳолда).*

61

Кредит шартномасининг асосий талаблари нималардан иборат ?

Кредит шартномасининг асосий талабларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- а) кредит мақсадли бўлиши шарт;*

- b) кредитнинг йиғиндиси аниқ белгиланган бўлиши керак;
- c) кредитнинг қоплаш тартиби аниқ кўрсатилган бўлиши лозим;
- d) кредит муддати кўрсатилиши шарт;
- e) кредитнинг таъминланганлиги асосланган бўлиши лозим;
- f) кредит берганлиги учун банк оладиган ҳақ кўрсатилиши шарт.

Бу шартларнинг ҳар бирини тижорат банки кредит бўлимининг ходимлари чуқур билишлари зарур. Чунки бу шартлардан бирортасининг асоссиз белгила- ниши кредитни ўз вақтида ва тўлиқ қайтарилмаслигига олиб келиши мумкин. Масалан, кредитнинг таъминлан- ганлигини олайлик. Агар банк таъминланганлик объ- ектини тўғри танлай олмаса ёки тўғри бақолай олмаса ва кредит қайтарилмай қолса, у қолда, гаровга олинган мулкни сотиш билан зарарни қоплай олмай қолиши мумкин.

62

Кредит сиёсати ва унинг объектлари деганда нимани тушунасиз ?

Кредит сиёсати деганда, банкнинг кредит ресурс- ларини жойлаштириш соҳасидаги қарорларни қабул қи- тишга имкон берувчи қоидалар ва чеклашларнинг маж- муи тушунилади. Кредит сиёсатининг ўзига хос хусусия- ги шундаки:

- 1 | уни олдиндан чамалаш, ўлчаш ва амалда тат- биқ қилиш мумкин;
- 2 | одатда, банкнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилади;

3 | унга вақти-вақти билан ўзгартириш ҳам кири-
тиш мумкин.

Кредит сиёсатининг объектлари сифатида қуйида-
гиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1 | кредит портфелини диверсификация қилиш;
- 2 | ссуданинг сифатини аниқлаш;
- 3 | кредитни жойлаштиришда юзага келадиган хавф-хатарнинг миқдорини аниқлаш;
- 4 | кредит таркибини ва таъминланганлигини доимий равишда баҳолаб бориш;
- 5 | кредит қўмитасини тайинлаш;
- 6 | кредит баҳосини белгилаш;
- 7 | кредит портфелининг ҳолатини баҳолаш;
- 8 | кредит жараёнини кузатиб боровчи структура-ларни вужудга келтириш.

63

**Кредит нима мақсадда олинаётган-
лигини билишнинг банк учун қандай
аҳамияти бор ?**

Кредитнинг нима мақсадда олинаётганлигини би-
лишнинг тижорат банки учун катта аҳамияти бор. У
қуйидагиларда намоён бўлади:

- а) кредитнинг мақсадини билиш орқали хавф-хатар даражасини аниқлаш мумкин. Масалан, банк спекулятив операцияларга кредит беришдан манфаатдор эмас. Чунки бундай кредитларни қайтариш кўпроқ омадга боғлиқ. Айтайлик, мижоз четдан товар сотиб олиш мақсадида (долларнинг курси кўтарилиб боришини назарга олган ҳолда) банкдан доллар кўринишида валютавий кредит олди. Кредит йиғиндиси 1 млн.*

доллар дейлик. Олиб келинган товарларни сотиш ҳисобига олинадиган миллий валютадаги тушумни конвертация қилиш 1,5 млн. доллар ишлаб олишга (мавжуд валюта курси) имкон беради, деб ҳисоблайлик. Миллий валюта курсининг кўтарилиши юз берадиган бўлса, бунинг натижасида олинадиган тушум камаяди. Ва оқибатда, мижоз банк кредитини қайтаршига қийналади. Мана шундай спекулятив мақсадларга кредит беришдан, одатда, банк қочишга ҳаракат қилади;

- б) кредитнинг мақсади кредитлаш шаклини аниқлаб беради. Масалан, кредит олувчи ссуда ёрдамида вақтинчалик оралиқларда юзага келувчи тўловлар ва тушумлар ўртасидаги фарққа барҳам бермоқчи бўлса, у ҳолда энг қулай кредитлаш шакли овердрафтдан фойдаланади.

64

Кредит йиғиндиси қандай аниқланади ?

Банк мижознинг аризасида кўрсатилган кредит йиғиндисининг асосланганлигини текшириши шарт. Агар кредит йиғиндиси тўғри аниқлаб олинмаса, бу банкни нохуш ҳолатларга олиб келиши мумкин. Айтайлик, банк ходимлари аризада кўрсатилган кредит йиғиндисини асоссиз камайтириб белгилашди. Бунда банк учун икки муаммо юзага келади:

- 1 | мижоз амалга ошираётган тадбирини ниҳоясига етказиш учун қўшимча ресурсларга эҳтиёж сезади. Ва банкдан яна кредит сўрайди.

- Банк учун қўшимча кредитни бериш ёки бермаслик муаммоси пайдо бўлади;
- 2) банк учун қўшимча кредит берилмаган тақдирда, олдин берилган кредит йиғиндисини йўқотиш хавфи пайдо бўлади. Чунки мижоз амалга ошираётган тадбир ниҳоясига етгани йўқ. Демак, бу тадбирдан ҳали даромад келмайди.

Банк амалиётидан шу нарса маълумки, мижозлар кўпчилик ҳолларда, кредит йиғиндисини асоссиз равишда ошириб кўрсатади. Шунинг учун кредит йиғиндисини аниқлашда банк ходимлари кредитланаётган тадбирнинг реал қийматини билишга ҳаракат қилишлари зарур. Бунинг учун, агар қурилиш мақсадларига кредит олинаётган бўлса, лойиҳа смета ҳужжатларини синчиклаб кўздан кечириши ва лозим бўлган ҳолларда, экспертлар хизматидан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

65

Кредитни қоплаш қайси маблағлар ҳисобидан амалга оширилади ?

Кредитни бериш вақтида уни қоплаш манбаи аниқ белгилаб олинган бўлиши лозим. Одатда, кредитни қоплашнинг икки манбаи мавжуд:

- 1) келиб тушадиган даромадлар;
- 2) активларни сотишдан тушадиган даромадлар.

Товар ишлаб чиқарувчи корхонанинг кредитга лаёқатлилиги у оладиган фойданинг миқдорига ва доимийлигига боғлиқ. Бунда банк, албатта, корхонанинг бошқа корхоналар билан бўладиган алоқаларига эъти-

бор бериши лозим. Агар корхонанинг даромади бир ёки иккита корхонадан келиб тушадиган бўлса ёки битта йирик операциядан келадиган бўлса, кредитнинг қопланмай қолиш хавфи кучаяди. Қимматбаҳо қоғозларни, кўзгалмас мулкни ва бошқа активларни сотиш йўли билан кредит қопланганда асосий хавф-хатар шундаки, уларни сотишдан тушган маблағ кредит йиғиндисини қоплашга етмаслиги мумкин.

66

Кредит муносабатларини ташкил қилишда кредит муддатини белгилаш қандай ўрин тутади ?

Кредитни бериш жараёнида унинг муддатини белгилаш катта аҳамиятга эга. Чунки кредит қанчалик узоқ муддатга берилган бўлса, уни қайтариш билан боғлиқ хавф-хатар шунчалик юқори бўлади. Шу сабабли узоқ вақт оралиғида кредит олган мижознинг фаолиятида кўзда тутилмаган турли хил ҳолатлар юзага келиши мумкинки, буларнинг барчаси пировард натижада кредитни қайтаришни қийинлаштириб қўяди. Шуларни ҳисобга олиб, жаҳон банк амалиётида уч йилгача муддатга бериладиган кредитлар тижорат банклари учун маъқул ва қулай кредитлар ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ривожланган хорижий давлатларда тижорат банклари томонидан берилаётган узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи ошиб бормоқда. Узоқ муддатли депозитлар салмоғининг ошиб ва банклараро кредитлар бозорининг ривожланиб бориши узоқ муддатли кредитлаштиришнинг ривожланишига имкон яратмоқда. Узоқ муддатли ссудалар асосан якка тартиб-

да уй-жой қуриш, сотиб олиш ва уларни таъмирлаш мақсадларига берилмоқда.

67

Кредитнинг таъминланганлигини қандай тушунасиз ?

Бозор иқтисодиёти шароитида банклар учун энг асосий муаммолардан бири-берилган ссудаларни қайтарилмаслигидир. Ушбу муаммони қисман ҳал этиш, яъни мижоз томонидан кредитни қайтара олмаслик хавфини камайтириш йўлларида бири мижоз мулкнинг маълум қисмини берилган ссуда учун гаров сифатида талаб қилишдир. Банк ссудаларини таъминлашнинг ўта кенг тарқалган турлари қуйидагилар ҳисобланади:

- ⇒ *ер*;
- ⇒ *қимматбаҳо қоғозлар*;
- ⇒ *дебитор қарздорлик йиғиндилари*;
- ⇒ *тегишли ҳужжатлар билан бирга тақдим этилган товарлар*;
- ⇒ *сугурта полислари*.
- Ер муҳим таъминлаш объекти бўлиб ҳисобланади. У ҳеч қачон ўз қийматини тўла йўқотмайди. Шу сабабли ер ишончли гаров ҳисобланади.
- Қимматбаҳо қоғозлар банклар учун маъқулроқ таъминлаш тури ҳисобланади. Чунки қимматбаҳо қоғозларни бозорда осонгина сотиш мумкин, мулк эгасини тезда ўзгартириш мумкин, банкда сақлаш учун ҳаражатлар талаб қилинмайди. Шулар билан бир қаторда, уларни сотиш ва сотиб олишда ортиқча расмиятчиликнинг

йўқлиги қимматбаҳо қоғозларни таъминланганлик объекти сифатида аҳамиятини оширади.

Айни вақтда шуни эсда тутиш лозимки, агар таъминланганлик сифатида акция олинаётган бўлса, унинг курси кескин тебраниши мумкинлигини, курс пасайганда зарар кўрилишини, албатта, инобатта олиш лозим.

- Дебитор қарздорлик йиғиндиси деганда, бу ерда очиқ счётлар бўйича ҳисоб-китоблардаги қарздорлик йиғиндиси тушунилади. Бу пул банкнинг мижози жўнатган товарлари учун харидорлардан олиши лозим бўлган пулдир. Бу турдаги таъминлаш объекти жаҳон амалиётида кенг қўлланилади.
- Хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотлар кўпчилик давлатларда, хусусан республикамизда кредитнинг кенг қўлланиладиган таъминланиш объекти бўлиб хизмат қилади.
- Суғурта қилинувчи суғурта компаниясига бадал тўлаб боради. Суғурта муддати тугаши билан тўланган бадаллар йиғиндиси тўлаган шахсга қайтарилади. Банк суғурта полисини йиғилган бадаллар йиғиндиси миқдорида таъминланганлик учун қабул қилади.

68

Очиқ счётлар бўйича ҳисоб-китоблар деганда нимани тушунасиз ?

Бир-бири билан доимий ва узлуксиз алоқада бўлган корхоналар ўзаро очиқ счётлар бўйича ҳисоб-китоб қиладилар. Бунинг афзаллиги шундаки, ҳар бир жўнарилган товарлар учун вексел ва бошқа қарз мажбурият-

ларини расмийлаштириш талаб этилмайди. Сотувчи йил мобайнида ёки шартномада белгиланган муддат мобайнида товарларни жўнатиб туради. Бунинг учун ҳар иккала томон ўз зиммаларига олган мажбуриятни тўлиқ ва ўз вақтида бажаришлари лозим. Акс ҳолда томонлардан бирининг айби билан иккинчиси оғир молиявий аҳволга тушиб қолиши мумкин. Масалан, сотувчи жўнатилган товарлар ҳақини ўз вақтида ололма-са, бу унинг молиявий аҳволига жиддий таъсир кўрса-тади.

69

Кредитни бериш тартиби қандай ?

Кредитни бериш қуйидаги тартибларга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади:

- 1) кредит олиш учун берилган аризани кўриб чиқиш ва бўлғувси мижоз билан яқиндан танишиш;
- 2) мижознинг кредитни тўлашга лаёқатлилигини аниқлаш ва ссуда бўйича хавф-хатарни баҳолаш;
- 3) кредит шартномасини тайёрлаш ва имзолаш;
- 4) шартномада белгиланган шартларнинг бажарилиши ва кредитнинг қопланиши устидан назорат олиб бориш;

Мижоз кредит олиш учун дастлаб ариза беради. Аризада ссуда тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар ўз аксини топган бўлиши керак:

- a) ссуда олишдан мақсад;
- b) ссуданинг миқдори;
- c) ссуданинг муддати;

d) ссуданинг тури (таъминланган ёки таъминланмаган ссудами).

Агар аризанинг мазмуни банкнинг кредит сиёсати мазмунига мос келса, у ҳолда банк 2-босқичга, яъни миждознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашга киришади.

Мижоз кредитга лаёқатли деб топилган тақдирда, банк кредит шартномасини тузишга киришади. Бу босқичда банк ссуданинг асосий тавсифларини, яъни:

- ⇒ кредитнинг тури;
- ⇒ йигиндиси;
- ⇒ муддати;
- ⇒ қоплаш усули;
- ⇒ таъминланганлиги;
- ⇒ кредитнинг баҳоси ва бошқа шартларни белгилаб олади.

70

Кредитга лаёқатлиликини аниқлашда қандай маълумотлар манбаидан фойдаланилади ?

Мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда қуйидаги маълумотлар манбаларидан фойдаланилади:

- ⇒ *миждознинг бевосита ўзидан олинган маълумотлар;*
- ⇒ *банкнинг архивида ушбу миждоз тўғрисида мавжуд бўлган маълумотлар;*
- ⇒ *миждоз билан шартномавий алоқада бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахслардан олинган маълумотлар;*

⇒ турли хусусий ва давлат муассасаларининг ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.

Банкнинг кредит бўлими ходимлари, дейлик банкдаги архив материаллари билан танишадилар. Агар ариза берувчи олдин ҳам банк кредитидан фойдаланган бўлса, унда албатта архивда бу ҳақда маълумотлар бўлади.

Мижоз тўғрисида муҳим маълумотларни бошқа молиявий муассасалардан ҳам олиш мумкин. Масалан, инвестиция компаниялари мижоз депозитларининг миқдори тўғрисида, тўланмаган мажбуриятлари ҳақида ва бошқа маълумотларини бера олиши мумкин.

Банк ходимлари махсус кредит маҳкамаларига ҳам мурожаат қилишлари мумкин. Масалан, АҚШда "Дан энд Брэдстрит" номли йирик кредит маҳкамаси миллиондан ортиқ фирмаларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни эълон қилади. Америка компанияларининг савдо счётларини қандай тўлаётганликлари хусусидаги маълумотларни миллий-кредит хизмати беради.

Ривожланган мамлакатларда, айниқса бошқа банклардан ва мижознинг савдо бўйича шерикларидан олинган маълумотлар жуда ҳам қимматли ҳисобланади. Чунки бу компаниялар ва банклар ушбу банкнинг бўлғуси мижози билан бевосита алоқада бўлганлар. Бунда икки хавф юзага келади: биринчи хавфнинг мазмуни шундаки, маълумот сўралган банк онгли равишда нотўғри маълумот бериши мумкин. Бу эса, маълумот сўраган банк учун жиддий молиявий йўқотишларга олиб келиши мумкин. Иккинчи хавф шундаки, агар мижоз ўзи тўғрисида товар етказиб берувчи салбий мазмунда маълумот берганлигини сезиб қолса, унинг товарини сотиб олишдан қатъий бош тортиши мумкин. Бу эса, товар етказиб берувчи учун молиявий қийинчи-

ликларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун кўпчилик мамлакатларда берилган маълумотларнинг махфийлигини таъминловчи қонун-қоидалар мавжуд. Хусусан, АҚШда "Банклар ўртасида тижорат формаларининг кредитга лаёқатлилиги тўғрисидаги маълумотларни айирбошлаш хусусидаги ахлоқ кодекси" мавжуд бўлиб, ушбу мазмундаги масалаларни тартибга солиди.

У Б О Б

КРЕДИТЛАРНИНГ ФОИЗ СТАВКАСИ

71	Фоиз ставкаси нима? У қандай ҳисобланади ?	78
72	Кредитларнинг фоиз ставкасига қандай омиллар таъсир қилади ?	79
73	Қарз капитали учун бериладиган фоиз ставкасининг моҳияти тўғрисида нима дея оласиз ?	81
74	Фоиз ставкаси билан маржа ўртасида фарқ борми ?	81
75	Кредит экспансияси нима ?	82
76	Марказий банк олиб борадиган пул-кредит сиёсати тижорат банкларининг фоиз ставкасига қандай таъсир кўрсатади ?	82
77	Ремонивлаштириш сиёсати нима ?	83

78	Кредит ресурсларининг аукциони тўғрисида нималарни биласиз ?	84
79	Мажбурий захиралар сўёсати деганда нимани тушунасиз ?	84
80	Кредитнинг фоиз ставкасига депозитларга тўланадиган фоиз ставкасининг таъсири қандай намоён бўлади ?	85
81	Номинал ва реал фоиз ставкалари хусусида нималарни биласиз ?	86
82	Кредитнинг таъминлаганлеги фоиз ставкасига қандай таъсир кўрсатади?	86
83	Кредитнинг шакли ва фоиз ставкаси ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд ?	87
84	Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг фоиз ставкасига таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида қайси омилларни кўрсатиш мумкин ?	87
85	Қатъий белгиланган ва сузиб юривчи фоиз ставкалари тўғрисида нималарни биласиз ?	88
86	Либор нима ?	89

Фоиз ставкаси нима ? У қандай ҳисобланади ?

Кредитнинг асосий шарти - бу қарз учун ҳақ тўлаш. Бу ҳақ қарз қилинган йиғиндисига нисбатан фоиз ҳисобида олинганидан уни қарз фоизи ёки кредитнинг фоиз ставкаси деб юритилади. Қарз фоизи пул бозорида амал қилади. Бозорга чиқарилган пулнинг нархи фоиз бўлади. Бошқа товарлардан фарқлироқ қарз пулининг нархи - бу унинг маълум тўлов эҳтиёжини қондиришдек хоссасидан фойдаланганлик учун бериладиган ҳақ бўлади. Қарз пули капитал сифатида ёки одатдаги тўлов ёки харид воситасида ишлатилади.

Мана шунинг учун ҳам қарздор шахс пул эгасига фоиз ставкасини тўлайди.

Фоиз миқдори ёки даражаси олдиндан белгиланади. Фоиз даражаси (ФД) қарз фоизининг (ҚФ) берилган қарз миқдорига (ҚМ) бўлган фоизларда ифодаланган нисбатидир:

$$\text{ФД} = \frac{\text{ҚФ}}{\text{ҚМ}} \times 100$$

Агар 120 минг долларга 6 минг доллар фоиз тўланса, қуйидагича бўлади:

$$\text{ФД} = \frac{6 \times 100}{12} = 5\%$$

Кредитларнинг фоиз ставкаси мамлакатнинг ссуда капиталлари бозорида аниқланади. Халқаро кредитлар-

нинг фоиз ставкаси эса жаҳон ссуда капиталлари бозорида аниқланиб, бу бозорларнинг асосий қисми Лондон, Токио, Нью-Йорк, Франкфурт-на-Майне, Париж, Брюссель шаҳарларида жойлашган.

72

Кредитларнинг фоиз ставкасига қандай омиллар таъсир қилади ?

Фоиз даражаси унга таъсир этувчи омиллар туфайли ўзгариб туради. Улардан асосийлари қуйидагилар:

1. Пул бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбати, яъни бозорда қандай миқдорда қарз пулига талаб бор ва унга нисбатан қандай миқдорда қарзга бериладиган пул чиқарилган. Талаб ошса, фоиз ортади, таклиф ошса, у камади.

2. Қарзга олинадиган пулни ишлатишдан қўтилдиган наф даражаси, аниқроғи шу пулнинг истеъмол қиймати. Қарз пули тадбиркор учун кўп фойда келтирса ёки истеъмолчи эҳтиёжини тўлароқ қондирса, фоиз юқори бўлади, акс ҳолда у пасайиб кетади. Бунда пулни ҳозир ишлатишдан тегадиган наф таққосланади.

3. Қарзни тўлаш муддати ва шарти. Агар қарз узоқ муддатга берилиб, уни секин-аста кичик-кичик қисмларга бўлиб, бемалол қайтариш мумкин бўлса, қарздор юқори фоизга рози бўлади. Агар қарз қисқа вақтга берилса ва уни бир йўла тўлаш шарт бўлса, қарздор паст фоизни маъқул кўради. Гап шундаки, қарз қанчалик узоқ муддатга берилса, шунчалик уни ишлатиб даромад кўриш мумкин ва шу ҳисобдан фоиз тўлаш энгил бўлади.

4. Қарзнинг қандай пул билан берилиши. Агар қарз эркин конвертирланган валютада берилса, фоиз юқори белгиланади, агар у оддий валютада берилса, фоиз нисбатан паст ўрнатилади. Конвертирланган пул обрў-эътиборли бўлганидан уни ишлатиш осон, ундан тезда яқин даромад кўриш мумкин.

5. Инфляция даражаси. Инфляция юз берса, қарзга берилган пул эгасига қайтиб келгунича ўз қаддини қисман йўқотади. Бунда пул эгаси ютқазади.

Шу сабабли фоиз инфляцияни ҳисобга олиб ўрнатилади. Фоиз инфляция шиддатига нисбатан тўғри муносаббатда ўзгаради.

6. Пулни қарз беришдан кўра бошқа йўсинда ишлатишдан тушадиган даромад. Бунда пул эгасининг афзал кўриш принципи амал қилади. Агар акция дивиденди юқори бўлса, фоиз пасаяди ва аксинча. Агар акцияга 15 % дивиденд берилса, фоиз ундан юқори бўлиши шарт. Акс ҳолда пул эгаси уни қарзга бермай, акция сотиб олишни афзал кўради.

7. Қарз беришнинг хатар даражаси. Агар қарзнинг қайтиб келиши кафолатланса, фоиз паст, агар бу хатарли бўлиб, қарз қайтиши шубҳали бўлса, фоиз юқори бўлади. Одатда молиявий бақувват ва нуфузли фирмалар учун фоиз тайинланади. Юқори ва паст фоиз ўртасидаги фарқ пул эгалари учун маълум даражада қарз хатарини камайтиради, чунки бир ерда фоизнинг камлиги, бошқа ерда унинг ортиқ бўлиши билан қопланади.

73

**Қарз капитали учун бериладиган
фоиз ставкасининг моҳияти
тўғрисида нима дея оласиз ?**

Қарз капитали учун бериладиган фоиз ставкаси моҳияти жиҳатидан яратилган қўшимча маҳсулотнинг, аниқроғи, қарз олувчи уни ишлатиб топган даромаднинг бир қисмидир. Пул эгаси шу қисмини мулкдор сифатида ўз пулидан бошқалар фойдаланганлиги учун талаб қилади.

Қарз пули истеъмол учун ишлатилганда фоиз ставкаси даромаднинг бир қисми бўлаолмайди (чунки даромаднинг ўзи бўлмайди), балки истеъмол ҳаражати шаклини олади ва қарздорни келажақда истеъмол учун ажратган маблағи ҳисобидан қопланади.

Масалан, тадбиркор 10 минг доллар қарз олса, унинг 500 долларга тенг ставкасини топган фойдаси ҳисобидан беради. Агар шунча пулни ишчи олиб автомобиль харид этса, 500 доллардан иборат ставкасини ўз ҳисобидан (иш ҳақидан) тўлайди.

74

**Фоиз ставкаси билан маржа ўртасида
фарқ борми ?**

Қарздор кишининг олган қарзи учун пул эгасига тўлайдиган тўлови фоиз ставкаси деб юритилади. Маржа тушунчаси эса савдо, биржа, суғурта ва банк амалиётида товарлар нархи, валюта ва қимматбаҳо қозғалар курси, фоиз ставкалари ва бошқа кўрсаткичлар фарқини ифодалаш учун ишлатиладиган атамадир.

Масалан, банк даромадининг асосий манбаи фоиз ҳисобланади. Банк оладиган ва тўлайдиган фоиз ўртасидаги фарқ маржа деб юритилади. Савдо амалиётида маржа, одатда, товарни сотиб олиш ва сотиш нархлари ўртасидаги фарқни билдиради.

75

Кредит экспансияси нима ?

Мамлакатнинг ссуда капиталлари бозорида фоиз ставкаларининг пасайиши натижасида кредит олувчиларнинг кўпайиши ва бунинг оқибатида, кредит қўйилмалари ҳажмининг кескин кўпайишига кредит экспансияси дейилади.

Кредит экспансияси, одатда, иқтисодиётнинг инвестицияга бўлган юқори даражадаги талабини қондириш мақсадида амалга оширилади.

76

Марказий банк олиб борадиган пул-кредит сиёсати тижорат банкларининг фоиз ставкасига қандай таъсир кўрсатади ?

Марказий банк ўзининг пул-кредит сиёсати орқали банкларнинг фоиз ставкасига ўз таъсирини кўрсатади. Бу таъсир асосан ремолиялаштириш ва мажбурий захиралар сиёсати туфайли намоён бўлади.

Ремолиялаштириш ставкасини ошириш йўли билан тижорат банкларининг фоиз ставкасини ошириш мумкин. Бундай ҳолларда марказий банкдан юқори

ставкада кредит олган тижорат банклари бу кредитни ўз мижозларига юқори фоиз ставкасида сотишга мажбурдирлар.

Мажбурий захиралар меъерининг оширилиши, тижорат банклари берадиган ссудаларда фоиз ставкасининг ошишига олиб келади. Чунки, марказий банк мажбурий захиралар меъерининг ошиши билан, тижорат банкларининг кредит ресурслари камаяди. Бундай шароитда тижорат банклари қолган кредит ресурслари ёрдамида ҳаражатларни қоплаш ва фойда олиш учун фоиз ставкаларини ошириши керак.

77

Ремолиялаштириш сиёсати нима ?

Ремолиялаштириш сиёсати деганда, марказий банк томонидан тижорат банклари ихтиёридаги тижорат векселларни ҳамда қимматбаҳо қоғозларни гаровга олиш ва шу йўл билан кредит бериш тушунилади. Марказий банк гаровга олмасдан туриб ҳам, тўғридан - тўғри кредит бериши мумкин. Масалан, Ўзбекистонда ремолиялаштириш сиёсатининг фақатгина охирги, яъни тўғридан-тўғри кредит бериш тури қўлланилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, ҳозирча республикамизда тижорат корхоналарнинг векселлари ва ҳукуматнинг қимматбаҳо қоғозлари яъни давлат заёмларининг ҳаракати тўлақонли эмас. Марказий банкнинг кредитлари аукцион орқали сотилади.

78

Кредит ресурсларининг аукциони тўғрисида нималарни биласиз ?

Кредит ресурслари аукциони деганда, кредит ресурсларини эркин, очиқ тарзда аукцион орқали сотиш тушунилади. Кредит ресурслари бозори яхши ривожланмаган давлатларда кредит аукциони - кредит ресурсларининг реал баҳосини аниқлашнинг энг оқилона йўли ҳисобланади. Чунки бу ерда кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклиф эркин тўқнашади. Аммо кредит аукционининг битта жиддий камчилиги бор. Бу кредит ресурсларининг баҳосини нормал ҳолатдан юқорироқ белгиланишидир. Чунки бу аукцион. Аукционда эса ҳаммаша баҳолар юқорироқ даражада шаклланади.

Ўзбекистон республикасида кредит аукциони самарали тарзда фаолият кўрсатмоқда. 1995 йилнинг апрель ойидан бошлаб, аукционни ҳар куни ўтказишга рухсат берилди.

1995 йил 5 апрелдан 17 майгача 9 марта аукцион ўтказилди. Жами кредит ресурсларига бўлган таклиф 136 млн. сўмни, талаб эса 107 млн. сўмни ташкил қилди.

79

Мажбурий захиралар сиёсати деганда нимани тушунасиз ?

Мажбурий захиралар сиёсати деганда, тижорат банклари жалб қилган маблағларидан маълум бир қисмининг Марказий банкнинг захира фондига ўтказилиши тушунилади. Ажратмалар ўтказиш фоиз шаклида амалга оширилади.

Деярли барча мамлакатларда захира фондига ўтказилган маблағларга фоиз тўланмайди. Фақатгина Испания ва Италияда фоиз тўланади.

Мажбурий захиралар ставкаси турли мамлакатларда турличадир. Одатда, инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда захиралар ставкаси юқори бўлади. Масалан, Россия Федерациясида, Қирғизистон республикасида мажбурий захиралар ставкасининг юқори чегараси 20 фоизни, Германияда 10 - 12 фоизни ташкил этади. Люксембургда эса фоиз умуман тўланмайди.

Мажбурий захиралар сиёсатидан фойдаланишнинг асосий мақсади - тижорат банкларининг кредит фаолиятини тартибга солишдан иборат.

80

Кредитнинг фоиз ставкасига депозитларга тўланадиган фоиз ставкасининг таъсири қандай намоён бўлади ?

Депозитларга тўланадиган фоиз кўринишидаги тўловлар тижорат банклари харажатларининг энг катта қисмидир. Шу сабабли, тижорат банклари депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларини ошириши билан ссудаларнинг фоиз ставкаларини ҳам оширадilar.

Депозитларни жалб қилиш соҳасида тижорат банклари ўртасида кучли рақобат мавжуд.

Узоқ муддатли депозитларга тўланадиган фоиз ставкаси қисқа муддатли депозитларникига нисбатан юқоридир. Сабаби шундаки, бундай депозитлар банклар учун ишончли кредит ресурсидир.

81

Номинал ва реал фоиз ставкалари хусусида нималарни биласиз ?

Номинал фоиз ставкаси деганда, кредит шартномасида кўзда тутилган фоиз ставкаларига айтилади. Реал фоиз ставкаси эса, инфляция даражасини ҳисобга олган ҳолдаги ставкадир. Демак,

$$\text{Реал фоиз ставкаси} = \text{Номинал фоиз ставкаси} - \text{Инфляция даражаси}$$

Булардан ташқари, қатъий белгиланган ва сузиб юрувчи фоиз ставкалари ҳам мавжуд.

82

Кредитнинг таъминланганлиги фоиз ставкасига қандай таъсир кўрсатади?

Кредитлар сифатли активлар билан, айтиайлик, ер ёки ҳукуматнинг қимматбаҳо қоғозлари, яъни давлат заёмлари билан таъминланган бўлса, у ҳолда уларнинг фоиз ставкаси таъминланмаган кредитларникига нисбатан паст бўлади. Чунки, бунда кредитни қайтармаслик хавф-хатарлари минималлаштирилган бўлади.

Халқаро кредитлар олтин, олмос, платина каби нодир металллар билан таъминланган бўлса, уларнинг фоиз ставкаси сезиларли даражада паст бўлади.

83

Кредитнинг шакли ва фоиз ставкаси ўртасида қандай алоқадорлик мавжуд ?

Кредитнинг шакллари фоиз ставкасига фаол таъсир кўрсатади. Масалан, тижорат кредитининг фоиз ставкаси, одатда, банк кредитининг фоиз ставкасидан паст бўлади. Бунда, товарларни сотувчи тезроқ сотишдан манфаатдор бўлса, сотиб олувчи эса, банк кредитининг иштирокисиз сотиб олишдан ва пастроқ фоиз ставкасида тўлашдан манфаатдор бўлади.

84

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг фоиз ставкасига таъсир қилувчи асосий омиллар сифатида қайси омилларни кўрсатиш мумкин ?

Ўзбекистон Республикасида бозор муносабатларига ўтиш даврининг ҳозирги босқичида тижорат банкларининг фоиз ставкасига таъсир қилувчи учта асосий омилни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- 1 | депозитларга тўланадиган фоиз ставкаси;
- 2 | инфляция;
- 3 | марказий банкнинг реолиялаштириш ставкаси.

Шуниси характерлики, учинчи омил республика ташқи иқтисодий фаолият бўйича миллий банкига тегишли эмас. Чунки, 1994 йилнинг 1 январь маълумотларига кўра, миллий банк марказлашган кредит ресурсларига эга эмас эди. Айни вақтда, республика акцияли

тижорат деҳқончилик саноат банкида марказлашган кредит ресурсларининг салмоғи 50 фоиздан ортиқроқни ташкил этди. Акцияли тижорат саноат-қурилиш банкида эса, уларнинг салмоғи 38 фоизни ташкил қилди.

85

**Қатъий белгиланган ва сузиб юрувчи
фоиз ставкалари тўғрисида
нималарни биласиз ?**

Қатъий белгиланган фоиз ставкалари кредит шартномаси бажарилгунга қадар ўзгармасдан қолади. Бу тижорат банки учун ноқулай ставкадир. Бунда банк ўз активларининг маълум қисмини йўқотиши мумкин. Масалан, банк 30% ставкада бир йиллик кредит берди, дейлик. Уч ойдан кейин ссуда капиталлари бозорида бир йиллик кредитларнинг фоиз ставкаси 35% га кўтарилса, бу банк учун зарардир.

Сузиб юрувчи ставкада банк активлари фоизларнинг ўзгариши натижасида зарарга учрамайди.

Сузиб юрувчи фоиз ставкаларини евродолларли кредитлар мисолида кўриб чиқамиз. Айтайлик, Либорнинг даражаси 6%, банк белгилаган спрэд¹ - 1%. Демак евродолларли кредитнинг фоиз ставкаси - 7%. Агар Либор 5% га тушди дейлик. Бунда кредитнинг фоиз ставкаси 6% бўлади. Банк бундан зарар кўрмайди. Чунки спрэд ўзгармасдан қолади. Фақат Либор ўзгараяпти.

¹ Нарх, курс ва ставкалар орасидаги фарқ.

86

Либор нима ?

Либор - бу Лондондаги жаҳон ссуда капиталлари бозорида етакчи эркин алмашинадиган валюталар - АҚШ доллари, Германия маркаси, Япония иенаси, Буюк британия фунт стерлинги каби валюталардаги депозитларга тўланадиган фоиз ставкасидир. Либор ҳар куни Лондон вақти билан соат 12.00 да бутун дунёга эълон қилинади. Бошқа мамлакатларда ҳам бу ставкадан бемалол фойдаланиш мумкин.

VI Б О Б

КРЕДИТ ХАВФ-ХАТАРИ ВА УНИ БОШҚАРИШ

87	Кредит хавф-хатари деганда нимани тушунасиз ва уни баҳолашда қандай мезонлар қўлланилади ?	92
88	Фоиз хавф-хатари деганда нимани тушунасиз ?	93
89	Фоиз хавф-хатарини бошқаришнинг қандай усулларини биласиз ?	93
90	Активларни бошқариш орқали фоиз хавф-хатарини минималлаштириш мумкинми ?	94
91	Пассивларни бошқариш орқали фоиз хавф-хатарини қисқартириш мумкинми ?	94
92	Фоиз маржасини бошқариш қандай амалга оширилади ?	95

93	Фоиз маржасини бошқариш жараёнига инфляция қандай таъсир кўрсатади ?	96
94	Кредитлаш жараёнида банк активларини ҳимоя қилиш мумкинми ?	96
95	Ликвидли активларни гаровга олиш йўли билан Ўзбекистон Республикасида банк кредитларини таъминлаш имконияти мавжудми ?	97
96	Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммоси ва уни энг маъқул ҳал этиш йўллари қандай ?	98
97	Экспортли кредитларни қандай қилиб суғурталаш мумкин ?	99
98	Экспортли кредитларни давлат томонидан суғурталаш қандай ҳуқуқий ҳужжатларда намоён бўлади ?	100
99	Умидсиз кредитларни қоплашга мўлжалланган захира фонди қандай ташкил топади ?	100
100	Муаммоли ссудалар ҳақида нималарни биласиз ?	101

Кредит хавф-хатари деганда нимани тушунасиз ва уни баҳолашда қандай мезонлар қўлланилади ?

Ривожланган бир қатор мамлакатларнинг, хусусан АҚШ, Германия, Швейцария, Франция каби мамлакатларнинг банк амалиётида кредит хавф-хатарини баҳолашнинг 5 та мезони қўлланилади:

- 1 | мижознинг обрў-эътибори;
- 2 | мижознинг имконияти;
- 3 | мижознинг капитали;
- 4 | шарт-шароитлар,
- 5 | гаров.

Мижознинг обрў-эътибори деганда, унинг зиммасидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш соҳасида орттирган шуҳрати тушунилади. Бу тўғридаги маълумотлар иложи борича ёзма равишда олиниши керак.

Мижознинг имконияти деганда, унинг барча операциялар бўйича ёки аниқ бир лойиҳа бўйича пул маблағларига эга бўлиш имконияти тушунилади.

Мижоз капиталининг маълум бир қисми кредит сўралаётган объектни молиялаштиришга жалб этилиши керак. Яъни, хавф-хатарнинг маълум бир қисми мижознинг ҳиссасига ҳам тўғри келиши керак.

Шарт-шароитлар деганда, мижоз корхонасига мансуб бўлган тармоқнинг, маҳаллий бозорнинг ва умуман иқтисодийнинг жорий ҳолати тушунилади.

Гаров мезонининг мазмуни шундаки, кредит ликвидли гаров билан таъминланган бўлиши керак. Бунда

кенг тарқалган қондани ёддан чиқармаслик лозим. Ҳеч қачон барча кредитларни гаров эвазига бермаслик керак.

88

Фоиз хавф-хатари деганда нимани тушунасиз ?

Фоиз хавф-хатари деганда, фоиз ставкаларининг даражаси ва ҳаракатининг ўзгариши натижасида зарар кўриш хавфи тушунилади. Фоиз хавф-хатари дебиторларни ҳам, кредиторларни ҳам ўз қаърига тортади.

Фоиз хавф-хатарини минималлаштириш мумкин. Бу ишни кредитни олувчи ҳам, кредитни берувчи ҳам бажариши мумкин.

89

Фоиз хавф-хатарини бошқаришнинг қандай усуллари биласиз ?

Фоиз хавф-хатарини бошқаришнинг бир қатор усуллари мавжуд. Булар жумласига қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- a) активларни бошқариш;
 - b) пасивларни бошқариш;
 - c) фоиз маржасини бошқариш;
 - d) "ПЭП"ни бошқариш.
-

90

Активларни бошқариш орқали фоиз хавф-хатарини минималлаштириш мумкинми ?

Активларни бошқариш, одатда, маблағлар манбаи билан тўғридан-тўғри боғлиқ равишда амалга оширилмайди. Активлар йиғиндисининг ўсиш сабабларини, фойдалилик даражасини ва хавф-хатарга учраш эҳтимолларини таҳлил қилиш орқали фоиз хавф-хатарини минималлаштиришга эришиш мумкин. Аммо активларни бошқариш 2 омил, яъни:

- 1 | активнинг ликвидлилиги ва кредитни тўлай олмаслик хавфининг мавжудлиги ва
- 2 | бошқа банклар томонидан кредит баҳосини белгилашда рақобатнинг мавжудлиги билан чекланиб қолади.

91

Пассивларни бошқариш орқали фоиз хавф-хатарини қисқартириш мумкинми ?

Банк пассивларини бошқариш, пассивларга нисбатан, уларни активлар портфелининг миқдори ва таркибини белгиловчи муҳим омил, деб ҳисоблашга асосланади. Шу сабабли, пассивларнинг миқдорини, муддатини ва уларни жалб қилиш харажатларини кредитлар портфели билан мувофиқлаштириш - фоиз хавф-хатарини минималлаштиришнинг оқилона йўли ҳисобланади.

Пассивларни ушбу тахлитда бошқаришнинг бир қатор нозик томонлари бор.

Биринчидан, жалб қилинган маблағларнинг баҳоси банкларнинг кўпчилик кредитларидан келадиган даромадлардан анча паст.

Иккинчидан, кредитларнинг фоиз ставкаси бозор орқали аниқ ўрнатилади ва шунинг учун ҳам депозитларнинг қийматига нисбатан анча ўзгарувчан ҳисобланади.

Учинчидан, банклар ва бошқа кредит институтлари томонидан жалб қилинган маблағлар ўзаро кучли рақобатда бўлади.

92

Фоиз маржасини бошқариш қандай амалга оширилади ?

Ҳар бир тижорат банки маълум даражадаги фоиз маржасига эришишга ҳаракат қилади. Бу эса ўз навбатида кредит хавф-хатарининг маълум даражасини белгилаб беради. Фоиз маржасининг даражаси қанчалик юқори бўлса, банкнинг кредит хавф-хатарига йўл қўйиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Фоиз маржасининг белгилаб қўйилган даражаси қуйидаги омиллар таъсирида вақти-вақти билан ўзгартириб турилади:

- 1 | фоиз ставкаларининг ўзгариши;
- 2 | рақобат;
- 3 | хавф-хатар даражасининг ўзгариши.

Умуман олганда, фоиз маржасини бошқариш мураккаб жараён бўлиб, банк операцияларининг ўзгаришини, фоиз ставкаларини ва умуман иқтисодийётдаги ўзгаришларни доимо таҳлил қилиб боришни талаб қилади.

93

Фоиз маржасини бошқариш жараёнига инфляция қандай таъсир кўрсатади ?

Инфляция даражаси юқори бўлган мамлакатларда кўпчилик банклар қатъий белгиланган ставкада кредитлашни амалга ошира олмайдилар. Ўз навбатида, корхоналар ҳам, аҳоли ҳам қатъий белгиланган ставкада депозитлар қўйишни хоҳламайдилар. Инфляция сиёсий ва иқтисодий нобарқарорлик шароитида юз бераётган бўлса, унда фоиз ставкаларини олдиндан чамалашнинг умуман иложи бўлмайди. Бундай шароитда, активларни ва пасивларни бошқариш активлар портфелини муддатлар бўйича мувофиқлаштиришга йўналтирилган бўлиши керак.

Банк балансида қатъий белгиланган ҳамда сузиб юрувчи ставкадаги активлар ва пасивлар бўлишига қарамаздан, активларни муддатлари бўйича мувофиқлаштира олмаслиги мумкин. Шунинг учун банк даромад келтирадиган активларнинг айримларини танлаб олиб, фоиз ставкаларининг ўзгаришини аниқлашга ҳаракат қилиши лозим.

94

Кредитлаш жараёнида банк активларини ҳимоя қилиш мумкинми ?

Мумкин. Кредитлаш жараёнида банк корхонага тегишли активларни гаровга олиш йўли билан ўз активларини ҳимоя қилиши мумкин. Бу нисбатан самарали тадбирдир.

Агар қуйидаги уч шарт бажарилса, гаров йўли билан кредит хавф-хатарини минимал даражада қисқартириш мумкин:

- 1 | гаровга олинган активлар бошқа банклар учун гаров объекти бўлмаслиги керак;
- 2 | гаровнинг қиймати берилган ссуда қийматига мос бўлиши керак;
- 3 | гаровга олинган активларнинг ҳолати устидан вақти-вақти билан назорат олиб бориш керак.

95

Ликвидли активларни гаровга олиш йўли билан Ўзбекистон Республикасида банк кредитларини таъминлаш имконияти мавжудми ?

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида кредитлар учун гаров объекти сифатида товар, моддий қимматлар ва асосий воситалар ишлатилмоқда. Ривожланган бозор иқтисодиёти шароитида энг ликвидли ва ишончли гаров объекти бўлиб ҳукуматнинг қимматбаҳо қоғозлари ва ер ҳисобланади. Юқорида номлари тилга олинган товарлар бозор муносабатлари шароитида ҳам гаров объекти бўлиб қолаверади. Аммо уларнинг ликвидлилик даражаси паст.

Ўзбекистон Республикасида ерга хусусий мулкчиликнинг мавжуд эмаслиги, республикамизда қимматбаҳо қоғозлар бозорининг ривожланмаганлиги сабабли бу икки муҳим омил гаров объекти сифатида фойдаланиш имкониятини бермайди.

96

**Халқаро кредитлар бўйича
қарздорлик муаммоси ва уни энг
маъқул ҳал этиш йўллари қандай ?**

Мексика давлати томонидан бундан роппа-роса 14 йил муқаддам (1982 й.) олинган халқаро кредитларни тўлай олмаслигини эълон қилиниши "учинчи дунё" мамлакатларининг халқаро қарздорлиги соҳасида инқироз бошланганлигини англатди. Ундан кейин қатор мамлакатлар, шунингдек Бразилия билан Аргентина ўзларининг тўловга ноқобиллигини расман тан олдилар.

80-йилларнинг бошларида ривожланган капиталистик давлатларда инфляция даражасининг ўсиши фоиз ставкаларининг ўсишига олиб келди. АҚШда рестрикциявий пул сиёсатининг олиб борилиши натижа-сида фоиз ставкалари ошди.

1982 йилда эркин сузиб юрувчи курслар механизми тижорат банкларининг Лотин Америкаси мамлакатла-рига берган кредитларнинг 60 фоизига нисбатан қўл-ланди. Уша йилнинг ўзида фоизлар бўйича тўловлар йи-гиндиси кредитнинг асосий йиғиндисидан ҳам ошиб кетди. 1987 йилда эса бу кўрсаткич Лотин Америкаси мамлакатларига берилган кредитлар йиғиндисининг 70 фоизини ташкил қилди. Оқибатда улкан миқдордаги кредитлар бўйича қарз йиғиндиси тўланди. Жаҳон мо-лия тизимининг ҳалокатга учраши аниқ бўлиб қолди.

Мана шундай шароитда халқаро қарздорлик муаммосини ҳал қилишнинг энг муҳим йўли кредит-ларни қоплаш муддатларини узайтириш бўлиб қолди. Кредиторлар кредит муддатини узайтириш ва янги кре-

дитлар бериш тўғрисида шартнома тузадилар. Бунинг учун қарздорлар кредитни тўлай олмай қолганликлари сабабларини изоҳлаб беришлари ва аҳволни яхшилаш учун қандай тадбирлар белгиланганлигини кўрсатишлари шарт.

Ривожланаётган мамлакатларнинг халқаро кредитлар бўйича тўланмаган қарзларини тартибга солиш мақсадида Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки 1989 йилда 25 млрд. доллар ажратди. Бу маблағлар 1989-1991 йиллар мобайнида сарфланди. Япония эса бундай мақсадларга 4,5 млрд. доллар ажратди.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, ҳозирча халқаро қарздорлик муаммосини тўла ҳал этишнинг иложи йўқ. Чунки 40 дан ошиқ мамлакат ўзининг ташқи қарзини тўлашда қийинчилик сезмоқда.

97

Экспортли кредитларни қандай қилиб суғурталаш мумкин ?

Экспортли кредитларни давлат томонидан суғурталаш энг ишончли тарздаги суғурталашдир.

Давлат суғурта органлари экспортли кредитларни иқтисодий ва сиёсий хавф-хатарлардан ҳимоя қиладилар.

Иқтисодий хавф-хатар деганда, хорижий қарздор шахснинг (ҳуқуқий ёки жисмоний шахс) тўловга лаёқатсиз бўлиб қолиши тушунилади.

Сиёсий хавф-хатар деганда, кредит берилган давлатдаги фавқулодда тадбирлар, тўловларни амалга оширишнинг тўхтатилиши, эркин алмашинадиган валюталарни конвертация қилишни чеклаш ва ҳ.к. урушлар, давлат тўнтариши ва бошқа сабаблар туфайли кре-

дитни қайтараолмаслик хавфи тушунилади. Суғурта органи берилган кредитнинг йигиндисини ва унга тўланадиган фоиз йигиндисини тўлашни давлат ўз зиммасига олади.

98

Экспортли кредитларни давлат томонидан суғурталаш қандай ҳуқуқий ҳужжатларда намоён бўлади ?

Экспортли кредитларни давлат органлари томонидан суғурталаш, одатда, 2 хил ҳуқуқий ҳужжат орқали амалга оширилади:

1. Ишонч топшириқномаси (поручительство).

Ишонч топшириқномаси кредит олувчи хорижий харидор давлат органи ёки давлат корхонаси бўлган тақдирдагина берилади.

2. Кафолатнома (гарантия).

Кафолатнома кредит олувчи хорижий харидор жисмоний шахс ёки хусусий ҳуқуқий шахс бўлган тақдирда берилади. Шуниси характерлики, давлат суғурта органлари, одатда, миллий экспортёрларни ва чиқарилган товарларни суғурталайди.

99

Умидсиз кредитларни қоплашга мўлжалланган захира фонди қандай ташкил топади ?

Умидсиз кредитларни қоплаш мақсадида ташкил этиладиган захира фондини ҳосил қилиш тартиби АҚШ ва Ғарбий Европада ягона усул бўйича амалга оширилади. Японияда эса ўзгача усул қўлланилади.

Халқаро стандартларга кўра, тўлаш муддати келган ва тўланмаётган кредитлар 3 гуруҳга ажратилади:

- 1 | субстандартли кредитлар;
- 2 | шубҳали кредитлар;
- 3 | тўлиқ умидсиз кредитлар.

Субстандартли кредитлар деб, 2 тўлов даврида фоиз йиғиндисини тўланмаган кредитларга айтилади. Бу кредитлар йиғиндисидан 25% захира фондига ўтказилади.

Шубҳали кредитлар деб, 3 тўлов даврида фоиз йиғиндисини тўланмаган ва 1 марта асосий қарз йиғиндисини тўланмаган кредитларга айтилади. Бунда кредитлар йиғиндисининг 50-70% миқдоридagi йиғинди захира фондига ўтказилади. Тўлиқ умидсиз кредитлар йиғиндисининг 100%и захира фондига ўтказилади.

100

Муаммоли ссудалар ҳақида нималарни биласиз ?

Муаммоли ссудалар деганда қайтарилиш муддати келган, лекин банк миждозининг тўловга ноқобиллиги туфайли тўланмаётган ссудаларга айтилади. Кредитларнинг ўз вақтида тўланмаслиги ҳар бир банк учун жиддий масала ҳисобланади. Сабаби шундаки, ссуданинг қайтарилмаслиги банк даромадлари йиғиндисига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, яъни даромад камаяди. Бунинг устига, банк ўз фойдаси ҳисобидан тўлов муддати кечиктирилган муаммоли ссудаларнинг тўлиқ (100%) йиғиндисидан захира фондига ажратма қилиши лозим.

Миждознинг кредитни қайтара олмай қолиши ҳолати тўсатдан пайдо бўлмайди, балки узоқ вақт давом этадиган жараёнларнинг натижасидир. Миждознинг хў-

жаллик фаолиятида юз берувчи қуйидаги ҳолатлар (белгилар) кредитнинг қайтарилишини қийинлаштирувчи омиллар ҳисобланади:

- ⇒ дебитор қарздорлик йигиндисининг кескин ўсиши;
- ⇒ айланма маблағлар айланишининг секинлашуви;
- ⇒ қисқа муддатли активлар салмогининг пасайиши;
- ⇒ лаёқатлилиқ (ликвидлилиқ) коэффицентининг пасайиши;
- ⇒ активларнинг умумий ҳажмида асосий капиталлар салмогининг ўсиши;
- ⇒ маҳсулотлар сотиш ҳажмининг қисқариши;
- ⇒ муддати узайтирилган қарз йигиндиларининг ўсиши;
- ⇒ жорий фаолиятни зарар билан тугаллаш;
- ⇒ солиқ объектининг ўзгариши ва солиқ ставкаларининг кўтарилиши ва бошқалар.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

- 1 | Ҳозирги кунда қуйидаги гаров объектларидан қайси бири Ўзбекистон Республикасининг банк амалиётида кенг қўлланилмоқда ?
- а) ер;
 - б) ҳукуматнинг облигациялари;
 - в) тўланмаган счётлар;
 - г) товар-моддий қимматли буюмлар ва нарсалар;
 - д) нотўғри жавоб йўқ
- 2 | Кредитнинг таъминланганлик объектларидан қайси бири энг юқори ликвидлик хусусиятига эга ?
- а) йирик саноат корхоналарининг облигациялари;
 - б) ҳукуматнинг облигациялари;
 - в) товар-моддий қимматликлар;
 - г) тўланмаган счётлар;
 - д) нотўғри жавоб йўқ
- 3 | Ремолиялаштириш сиёсати деганда нима тушунилади ?
- а) марказий банкнинг тижорат банкларига векселларни ва қимматбаҳо қозозларни гаровга олиши йўли билан кредит бериши тушунилади;

- б) давлат бюджетининг харажатларини молиялаштириши мақсадида марказлашган кредит ресурсларининг берилиши тушунилади;
- в) муддатида тўланмаган кредитларни қайтадан молиялаштириши тушунилади;
- г) банклардаги кредит ресурсларининг маълум қисмини марказий банкдаги фойсиз счётларга олиб қўйиши тушунилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

- 4 | Мажбурий захиралар сиёсатини амалга оширишдан мақсад:
- а) тижорат банкларининг кредит фаолиятига таъсир кўрсатиши;
 - б) депозитларни ҳимоя қилиши;
 - в) банкларнинг ликвидли маблағларига бўлган эҳтиёжсини қондириши;
 - г) марказий банкнинг даромад базасини мустаҳкамлаш.
 - д) нотўғри жавоб йўқ.

- 5 | Векселли тижорат кредитига хос бўлган камчиликлар:
- а) банк кредитига бўлган талабни камайтиради;
 - б) корхоналардаги айланма маблағларнинг миқдорини режалаштиришига тўсқинлик қилади;
 - в) муомалада ортиқча тўлов воситаларининг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин;
 - г) товарларни сотиши жараёнини секинлаштириши мумкин;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.

- 6 | Мажбурий захиралар ставкаси ўта минимал бўлган давлатни кўрсатинг:
а) *Франция;*
б) *Германия;*
в) *Буюк Британия;*
г) *Швейцария;*
д) *нотўғри жавоб йўқ.*
- 7 | Мажбурий захиралар счётига фоиз тўлайдиган давлатни кўрсатинг:
а) *Германия;*
б) *Италия;*
в) *АҚШ;*
г) *Франция;*
д) *нотўғри жавоб йўқ.*
- 8 | Кредит линия (credit line) си нима?
а) *узоқ муддатли кредитлаш шаклларида бири;*
б) *банк ва мижоз ўртасида кредитнинг максимал йиғиндиси тўғрисидаги келишув;*
в) *бир маротабалик битимларни молиялаштириш мақсадида бериладиган кредит;*
г) *банк томонидан мижознинг тўлов ҳужжатларини тўлаш учун кредит бериш;*
д) *нотўғри жавоб йўқ.*
- 9 | Туркумланган кредитларнинг қайси бирига нисбатан 100 фоизли ажратма ставкаси қўлланилади?
а) *субстандарт кредитлар;*

- б) *шубҳали кредитлар*;
в) *зарар келтирувчи кредитлар*;
г) *нотўғри жавоб йўқ*;
д) *тўғри жавоб йўқ*.
- 10 | Туркумланадиган кредитларнинг қайси бирига нисбатан 50-70 фоизли ажратма ставкаси қўлланилади ?
а) *субстандарт кредитлар*;
б) *шубҳали кредитлар*;
в) *зарар келтирувчи кредитлар*;
г) *нотўғри жавоб йўқ*.
д) *тўғри жавоб йўқ*.
- 11 | Сузиб юрувчи фоиз ставкаларининг қўлланилиши кредит муносабатларида қатнашувчи томонлардан қайси бири учун ноқулай ҳисобланади ?
а) *кредит олувчи мижоз учун*;
б) *тижорат банки учун*;
в) *ҳар иккала томон учун ҳам*;
г) *нотўғри жавоб йўқ*.
д) *тўғри жавоб йўқ*.
- 12 | Туркумланадиган активлар деганда нима тушунилади ?
а) *балансдан ташқарида бўлган активлар тушунилади*;
б) *ностандарт, шубҳали ва зарарли кредитларнинг йиғиндиси тушунилади*;
в) *ссудалар бўйича кўрилган зарарларни қоплашга мўлжалланган захиралар тушунилади*;

- г) биринчи даражали ликвидли активларнинг йиғиндисини тушунилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

13 | Ностандарт кредитлар деганда нима тушунилади?

- а) белгиланган муддатда қайтмаган, аста-секин шубҳали ссудаларга айлана бошлаган кредитлар тушунилади;
- б) умуман қайтмаслиги аниқ бўлиб қолган кредитлар тушунилади;
- в) фойда ҳисобидан кечиб юборилган кредитлар тушунилади;
- г) гаров билан таъминланган кредитлар тушунилади;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

14 | Қуйидаги фоиз ставкаларидан қайси бирини шубҳали ссудаларга хос ставка деб ўйлайсиз ?

- а) 10%
- б) 20%
- в) 50-70%
- г) 100%
- д) 15%

15

Қуйидаги маълумотларга асосланиб туркумланидиган активларнинг ўртача тортилган қийматини аниқланг:

Кредит турлари	Йиғинди	Хатар даражаси
Ностандарт	500.000	20%
Шубҳали	300.000	50%
Зарар келтирувчи	150.000	100%

- а) 950.000 сўм;
- б) 538.650 сўм;
- в) 300.000 сўм;
- г) 400.000 сўм;
- д) 174.000 сўм.

16

Нима учун контокоррент кредити юқори обрў-эътиборга эга бўлган мижозларга берилиши керак ?

- а) контокоррент кредити жорий ишлаб чиқаришни ва муомала соҳасини молиялаштириши мақсадларига мўлжалланганлиги сабабли;
- б) характерига кўра ишончли кредит бўлганлиги сабабли;
- в) корхоналарда тўлов оборотининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадини кўзлагани сабабли;
- г) фоиз ставкаси нисбатан юқори бўлганлиги сабабли;
- д) нотўғри жавоб йўқ.

- 17 | Қуйидаги маълумотларга асосланиб векселни тижорат банки томонидан ҳисобга олишда қўлланадиган дискофт йиғиндисини аниқланг. Вексель йиғиндиси-500.000 сўм. Векселни тўланишига қадар қолган вақт-70 кун. Ойлик ҳисоб (учётная) ставкаси -100%
- а) 14285,7 сўм.
 - б) 3500.000 сўм.
 - в) 97222,2 сўм.
 - г) 1000000,0 сўм.
 - д) 87222,2 сўм.
- 18 | Халқаро кредитлар бўйича қарздорлик муаммосини ҳал қилишнинг қайси йўлини маъқул деб ҳисоблайсиз?
- а) умидсиз ссудаларни банк балансидан ўчириш;
 - б) янги кредит линияси очиш;
 - в) қарз йиғиндиларини инкассация қилиш жараёнига эътиборни кучайтириш;
 - г) кредитланаётган объектларни инспекция қилишни кучайтириш;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.
- 19 | Агар марказлашган кредит ресурсларининг фоиз ставкаси оширилса, у ҳолда:
- а) миллий валютанинг курси кўтарилади;
 - б) тўлов балансининг пассивлиги кучаяди;
 - в) тижорат банклари кредитларининг ҳажми ошади;
 - г) қилматбаҳо қозғаларнинг курси кўтарилади;
 - д) нотўғри жавоб йўқ.

- 20 | Халқаро факторингта хос бўлган афзаллик шундан иборатки, у:
- а) *тўловни кафолатлайди;*
 - б) *экспортёрнинг пул маблағларига бўлган эҳтиёжини қондиради;*
 - в) *экспортёр векселни тўлаш билан боғлиқ хавф-хатардан тўлиқ халос бўлади;*
 - г) *товарларни сотилиш жараёнини тезлаштиради;*
 - д) *нотўғри жавоб йўқ.*
- 21 | Бозор иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлмаган молиялаштириш манбаини кўрсата биласизми ?
- а) *банк кредити;*
 - б) *субсидия;*
 - в) *тижорат кредити;*
 - г) *корхонанинг ўз маблағлари;*
 - д) *нотўғри жавоб йўқ.*
- 22 | Халқаро ташкилотлар берадиган кредитнинг хусусий тижорат банклари берадиган халқаро кредитдан фарқлантирувчи томонини кўрсата оласизми ?
- а) *фоиз ставкасининг нисбатан пастлиги;*
 - б) *таъминланганлиги;*
 - в) *қайтариб беришлик характериға эга эканлиги;*
 - г) *кредитларни сугурта қилиш тизимининг мавжудлиги;*
 - д) *нотўғри жавоб йўқ.*

- 23 | Ўзбекистон Республикасида кредит ресурслари бозорининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган энг асосий омиллар нималардан иборат ?
- а) кредит ресурсларига бўлган талабнинг катта эмаслиги;*
 - б) банклараро рақобат муҳитининг тўла шакланмаганлиги;*
 - в) векселли ва ломбардли кредитларнинг ривожланмаганлиги;*
 - г) очиқ бозор операцияларининг ривожланмаганлиги;*
 - д) нотўғри жавоб йўқ.*

- 24 | Қуйидаги маълумотларга асосланиб банкнинг асосий капитални берилган ссудалар бўйича кўрилган зарар йиғиндисини ҳисобга олган ҳолда аниқланг:
- Махсус захиралар - 956600 сўм. Умумий захиралар - 573960 сўм. Асосий капитал - 983065 сўм
Ссудалар беришдан кўрилган зарар йиғиндиси -- 728456 сўм.

Жавоблар:

- а) 828569 сўм.*
- б) 254609 сўм.*
- в) 1211209 сўм.*
- г) 547495 сўм.*
- д) 728569 сўм.*

- 25 | Ишончли кредитлар бу:
- а) ҳукуматнинг қисқа муддатли қимматбаҳо қозғозлари билан таъминланган кредитлардир;*
 - б) тўланмаган счётлар билан таъминланган кредитлардир;*
 - в) гаровсиз берилган кредитлардир;*
 - г) имтиёзли кредитлардир;*
 - д) нотўғри жавоб йўқ.*
- 26 | Кредит рестрикацияси жараёнида:
- а) кредит ресурсларига бўлган талаб камаяди;*
 - б) кредит ресурсларига бўлган талаб кучаяди;*
 - в) пул массаси кўпаяди;*
 - г) қимматбаҳо қозғозларнинг курси кўтарилади;*
 - д) нотўғри жавоб йўқ.*
- 27 | Халқаро форфейтинг:
- а) жўнатилган товарлар учун тўлов йиғиндисини кафолатлайди;*
 - б) векселда кўрсатилган йиғиндини тўланиши билан боғлиқ хавф-хатардан экспортёрни халос қилади;*
 - в) тижорат банки векселни импортёр тўлай олмай қолган тақдирда экспортёрга мурожаат қилиш ҳуқуқини беради;*
 - г) факторингга нисбатан арзонроқдир;*
 - д) нотўғри жавоб йўқ.*

- 28 | Кредит экспансияси жараёнида:
 а) қимматбаҳо қогозларнинг курси пасаяди;
 б) кредит эмиссиясининг миқдори кўпаяди;
 в) кредит ресурсларига бўлган талаб камаяди.
 г) нотўғри жавоб йўқ.
- 29 | Либор нима ?
 а) Лондон ссуда капиталлари бозорида евровалюта-
 тардаги депозитларга тўланадиган фоиз став-
 каси;
 б) Лондон ссуда капиталлари бозоридаги евро-
 кредитларнинг фоиз ставкаси;
 в) чет эл валюталарини сотиб олиш ва сотиш
 курслари ўртасидаги фарқ;
 г) евродолларли кредитнинг фоиз ставкаси.
 д) нотўғри жавоб йўқ.
- 30 | Қуйидаги маълумотларга асосланиб корхона-
 нинг жорий ликвидлик коэффицентини
 аниқланг (млн. сўмда):
 нақд пул маблағлари - 4,4;
 запаслар - 10;
 дебиторлар - 80;
 бинолар ва ускуналар - 500;
 кредитор қарздорлик - 65;
 банкнинг узоқ муддатли кредитлари - 230;
 акционерлик капитали - 44;
 қисқа муддатли кредитлар - 78;

Жавоблар:

- a) 4,86;
- б) 4,42;
- в) 1,36;
- г) 1,67;
- д) 2,36;

- 31 | Германиялик экспортёр голландиялик импортёрга бир миллион АҚШ доллари миқдорида товар сотди. У тўлов йиғиндисини олти ойдан кейин олади. Шу сабабли экспортёр банк билан форвард валюта битими тузмоқчи. Қуйидаги маълумотларга асосланиб, АҚШ долларининг немис маркасига нисбатан форвард курсини аниқланг.

Спот курс - USD/ DEM = 1,5310 - 1,5320

Форвард битимининг муддати - 180 кун

Евродолларли кредитларнинг фоиз ставкаси - 5,5 %

Дойчмаркадаги депозитларнинг фоиз ставкаси - 7,5%

- a) 1,5459;
- б) 1,5161;
- в) 1,1982;
- г) 1,4495.

- 32 | Қуйидаги маблағлар гуруҳининг қайси бири "Дебиторлар билан товарлар ва кўрсатилган хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар" моддасига киради:

- а) пул маблағлари;
б) осон сотиладиган талаблар;
в) осон сотиладиган захиралар ва ишлаб чиқариш харажатлари;
г) нотўғри жавоб йўқ.
- 33 | Кредит олган мижоз тўлаш муддати келган даврда кредитнинг асосий йиғиндисини ҳам, фоиз йиғиндисини ҳам қайтара олмади. Кредитнинг йиғиндиси -1 миллион АҚШ доллари. Кредитлаш муддати - 6 ой. Фоиз ставкаси - йилига 9,5 %. Суғурта компаниясининг жавобгарлиги - 85 %. Суғурта компанияси қоплаши лозим бўлган зарар йиғиндисини аниқланг:
а) 890375 сўм;
б) 863458 сўм;
в) 865833 сўм;
г) 890457 сўм.
- 34 | Қуйида қайд этилган корхонанинг мажбуриятлари таркибидан қайси бир тури ўзгаришсиз (корректировкасиз) олинadиган мажбуриятларга киради:
а) узоқ муддатли кредитлар.
б) қисқа муддатли пассивлар.
в) қисқа муддатли кредитлар.
г) нотўғри жавоб йўқ.

- 35 | Ўзгартириш киритилган қолда олинадиган мажбурият турини кўрсатинг.
 а) бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар.
 б) қисқа муддатли заёмлар.
 в) бюджет билан ҳисоб-китоблар.
 г) нотўғри жавоб йўқ.
- 36 | Векселдаги "тўловга қабул қилинган" деган ёзувнинг маъносини қандай тушуниш мумкин?
 а) трассат тўловдан бўйин товлаши мумкин.
 б) бу тўлаш мажбуриятига айланади.
 в) банк векселни тўлови учун кафолат беради.
 г) нотўғри жавоб йўқ.
- 37 | "CIF Нью-Йорк" деб номланувчи етказиб бериш шартини қандай тушунасиз?
 а) экспортёр товарларни Нью-Йорккача юклаш, фрахт ва суғурта қилиш билан боғлиқ ҳаражатларни ўз зиммасига олади. Хатар Нью-Йоркдагина импортёрга ўтади.
 б) Нью-Йорккача бўлган юклаш, фрахтни тўлаш ва суғурта ҳаражатлари сотувчи томонидан тўланади. Хатарлар сотувчига товарлар юкланадиган портда ўтади.
 в) суғурта ҳаражатлари импортёр томонидан тўланади ва бу йигинди суғурталанган товарлар умумий қийматининг 10% ни ташкил қилиши мумкин;
 г) нотўғри жавоб йўқ.

- 38 | Банк-ремитент "Инкассо бўйича умумлаштирилган қоидалар"ни ҳужжатлаштирилган инкассодан фойдаланиш жараёнида инобатга олмади, дейлик. Инкассо қилувчи банк халқаро қоидага мувофиқ банк-ремитентнинг фаолиятини тан олмаслиги мумкинми ?
- а) *ҳа, чунки халқаро қоидалар ҳаминша устивордир.*
- б) *йўқ, чунки миллий қонунчилик ҳаминша устивордир.*
- в) *йўқ, чунки, одатда, банк-ремитентнинг кўрсатмалари мажбурийдир.*
- г) *нотўғри жавоб йўқ.*
- 39 | Қуйидаги маълумотлар асосида корхонанинг қоплаш коэффициентини ҳисобланг:
- касса - 100;
 ҳисоб-китоб счёти - 1200;
 валюта счёти - 700;
 дебиторлар билан ҳисоб-китоблар - 5700;
 бюджет билан ҳисоб-китоблар - 300;
 берилган векселлар бўйича ҳисоб-китоблар - 700;
 келгуси давр харажатлари - 400;
 банк кредитлари - 1200;
 бошқа кредиторлар билан ҳисоб-китоблар - 750;
 бошқа дебиторлар билан ҳисоб-китоблар - 250;
 ишлаб чиқариш захиралари - 8000.
- а) *5,54;*
- б) *0,15;*
- в) *1,51;*
- г) *5,45.*

- 40 | 39 - тест вариантыда келтирилган маълумотларга асосланиб, ликвидлилик коэффицентини ҳисобланг :
- a) 3,53;
 б) 1,34;
 в) 2,69;
 г) 3,35;
- 41 | Ўзбекистонлик импортёр Шотландиядан сотиб олинган спиртли ичимликлар ҳақини тўлаш учун ўз банкидан Буюк Британиянинг фунт стерлингини сотиб олиш учун ариза берди. Банк қандай курс бўйича фунт стерлингни мижозга сотади ?
 Қуйидаги котировкалар маълум:
 $USD/UZS = 34,40 - 40,40$
 $GBP/USD = 1,8520-1,8540$
 Жавоблар:
- a) 21,81 сўм;
 б) 63,71 сўм;
 в) 74,90 сўм;
 г) 79,40 сўм;
- 42 | Мижоз ўз банкига 1 миллион фунт стерлинг сотмоқчи. 41- тест вариантыда келтирилган котировкага асосланиб банк томонидан фунт стерлингни сотиб олиш баҳосини аниқланг:
- a) 63,71 сўм;
 б) 74,90 сўм;
 в) 18,55 сўм;
 г) 21,81 сўм.

- 43 | Ўзбекистонлик импортёр тижорат банкидан Қирғизистон Республикасининг сомини сотиб олиш учун ариза берди. Қуйидаги котировкаларга асосланиб қирғиз сомининг банк томонидан сотилиш курсини аниқланг:
- USD/UZS = 36,50 - 42,50
USD/KRS = 11,50 - 12,00
- a) 100 KRS = 304,17 UZS
б) 100 KRS = 354,17 UZS
в) 100 KRS = 369,57 UZS
г) 100 KRS = 396,75 UZS
- 44 | Ўзбекистонлик импортёр тижорат банкига Қирғизистон сомини сотмоқчи. 43-тест вариантыда келтирилган котировкага асосланиб, сомнинг сотиб олиш курсини аниқланг:
- a) 100 KRS = 369,57 UZS
б) 100 KRS = 304,17 UZS
в) 100 KRS = 354,17 UZS
г) 100 KRS = 369,75 UZS
- 45 | Мижоз бундан беш йил муқаддам банкка 10000 (ўн минг) сўм қўйганди. Ҳозирги кунда унинг счётида 40400 сўм бор. Жамғарманинг капиталлашув (капитализация) коэффицентини аниқланг:
- a) 4,04;
б) 3,04;
в) 5,04;
г) 4,40.

- 46 | Тижорат банки ўз миқозига 6 млн. сўм миқдоридида кредит бермоқчи. Бу кредит ойига 285 минг сўмдан 24 мартаба тўланади. Кредитнинг фоиз ставкасини аниқланг:
- a) 13,68 %
 - б) 13,44 %
 - в) 2,33 %
 - г) 14,43 %
- 47 | Мижоз йилига 14 % тўлаш шарти билан уч ойга 5000 сўм қўйди. Ушбу жамгармадан келадиган даромад йиғиндисини аниқланг:
- a) 175 сўм.
 - б) 89,29 сўм
 - в) 1425 сўм
 - г) 157 сўм
- 48 | Мижоз тижорат банкидан 50000 сўмлик кредит олди. Шартномага кўра у кредитни ойлик йиғиндида 12 мартабада тўлаши керак. Агар йиллик фоиз ставкаси 15 % бўлса, кредитнинг қийматини аниқланг.
- a) 7500 сўм
 - б) 6875 сўм
 - в) 4062,50 сўм
 - г) 4620,50 сўм

- 49 | 48-тест саволида берилган маълумотларга асосланиб, ойлик тўлов йиғиндисини аниқланг:
- a) 4791,7 сўм
 - б) 4505,2 сўм
 - в) 4739,6 сўм
 - г) 4550,2 сўм
- 50 | Мижоз банкдан 1000 сўмлик ссудани 6 ойлик муддатга олди. 6 ойдан кейин мижоз ссудани фоизи билан қайтарди. Бунда ссуда йиғиндисини 1000 сўмни, фоиз йиғиндисини 20 сўмни ташкил қилди. Йиллик фоиз ставкасини аниқланг:
- a) 4 %
 - б) 1,02 %
 - в) 1,68 %
 - г) 40 %

1. Алехин Б.И. Рынок ценных бумаг. М., изд. МФИ, 1991. с.160
2. Абалкин Л.И. Трудный поворот к рынку. М., "Экономика", 1990. с.559
3. Аленичев В.В., Аленичева Т.Д. Страхования валютных рисков, банковских и экспортных коммерческих кредитов. М., "Истсервис", 1994. с.114
4. Акмал Муратов. Аукционы кредитных ресурсов. Банковские ведомости, 1995, N 5, с. 8.
5. "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. Т., "Ўзбекистон", 1992.
6. Василюшен Э. Н. Упорядочение деятельности коммерческих банков. М., "Финстатинформ", 1995. 38 б.
7. Верников А. В. Российский рубль и валюты бывших республик СССР: проблемы взаимной конвертируемости. Деньги и кредит, 1994, N 5 - 6, с. 30 - 37.
8. Государственные деловые обязательства. Рынок ценных бумаг. 1995, N 5, с. 26-31.
9. Гурьева М.И. Проблемы кредитно-денежной системы США 80-е годы. Деньги и кредит. 1991, N 10, с. 57-62.
10. Каримов.И. А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотлари чуқурлаштириш йўлида.Т., "Ўзбекистон", 1995. 270 б.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон-келажаги буюк давлат. Т., "Ўзбекистон", 1992. 62 б.
12. Коган А. М. Деньги, цена и теория трудовой стоимости. М., "ФИС", 1991. 224 с.
13. Королёв В.Д. Реорганизация банковского регулирования в Англии. Деньги и кредит, 1926, N 10, с.62-73
14. Козлов А.А. Рынок ценных бумаг и политика ЦБ России. Деньги и кредит, 1992, N 8, с.14-19
15. Лакшина О. Л. Банковские резервы как условие эффективного функционирования кредитной системы. Деньги и кредит, 1994, N 7, с 53-60
16. Ловрушин О. И. таҳрири остида. Перспективы развития кредитного механизма в СССР. М., "ФиС", 1991. 256 б.
17. Макеев А. В. Концепция организованного коммерческого кредита и зачёта взаимных требований на основе векселя. Деньги и кредит, 1994, N 3, 54-61 б.
18. Маргарет Е. Озиус, Блуфорд Х. Путнам. Банковское дело и финансовое управления рисками. Институт экономического развития мирового банка. Вашингтон, 1992. с.196
19. Немецкий Федеральный банк. Денежно-политические задачи и инструменты. Специальные издания немецкого Федерального банка. Франкфурт-на-Майне, 1993. с.173

20. Палванова И. Банк поможет должнику. Банковские ведомости. 1995, N 5. с. 7
21. Порядок проведения операций по конвертации сумов на иностранную валюту на Узбекской республиканской валютной бирже. Решения республиканской комиссии по денежно-кредитной политике, 29 июня 1995 г., Банковские ведомости. 1995. N 7, с. 10-12.
22. Правила проведения банками операций с векселями. Инструкция Центрального банка Республики Узбекистан от 24 декабря 1994 г., Банковские ведомости. 1995. N 3, с. 16-21.
23. Пессель М. А. Децентрализация ссудного фонда и экономическое регулирование денежного оборота. Деньги и кредит, 1991, N 12, с. 36-40.
24. Рукин А. Инструменты краткосрочных вложений. Рынок ценных бумаг. 1995, N 8, с. 32-35.
25. Раксадина О. А. Вексельное обращение в России. Деньги и кредит, 1994, N 3, с. 38-45.
26. Роде Э. Банки, биржи, валюты современного капитализма. М., "ФиС", 1986. с.341
27. Родионов С. С., Бабичева Ю. А. Денежно-кредитное регулирование капиталистической экономики. М., "ФиС", 1991. с.176
28. Струков В. Банки на рынке. МБК - в поисках собственной ниши. Рынок ценных бумаг. 1995, N 8, с. 35-37.
29. Симановский А. Ю. К вопросу позитивной процентной ставке. Деньги и кредит, 1994, N 7, с. 44-53.
30. Соловёв В. И. Координация денежно-кредитной политики государств СНГ как предпосылки создания эффективной платёжной системы. Деньги и кредит, 1994, N 5-6, с. 3-13.
31. Саломов И. Эффект векселя. Банковские ведомости. 1995, N 9, с. 2.
32. Семёнов В. Н. Анатомия дефицита. Финансы СССР. 1991, N 3, с. 3-13.
33. Симановский А. О. О финансово-кредитной политике. Вопросы экономики, 1991, N 10, с. 29-35.
34. Ўлмасов А, Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Олий ўқув юртлари учун дарслик. "Меҳнат", Тошкент, 1995 й.
35. Қоралиев Т, Нурмурадов М, Холмахмедов З. Хўжалик юртишнинг ҳозирги шароитида кредит механизми ва банклар. Тошкент, ТХХИ, 1991 й, 80-бет.

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
I БОБ	Кредит тўғрисида умумий тушунчалар	5
II БОБ	Кредитлаштириш	26
III БОБ	Лизинг кредитлашнинг янги шакли сифатида	48
IV БОБ	Кредит механизми	58
V БОБ	Кредитларнинг фойз ставкаси	76
VI БОБ	Кредит хавф-хатари ва уни бошқариш	90
	Тест саволлари	103
	Фойдаланилган адабиётлар	122

ЁРҚУЛ АБДУЛЛАЕВ, ТЎЛҚИН БОБОҚУЛОВ

КРЕДИТ: 100 САВОЛ ВА ЖАВОБ

"Меҳнат" нашриёти – Тошкент – 1996

"Иқтисодий ислоҳот ва молия-кредит тизими"
туркумининг оригинал нусхасини тузиш ва безаш
рассом Л. Д а б и ж а томонидан бажарилган.

Муҳарририят мудири А. Мадраҳимов
Бадий муҳаррир Л. Дабижа
Техн.муҳаррир Н. Сорокина
Мусаҳҳиҳа Ф. Исмоилова

ИБ № 1376

Босишга рухсат этилди 16.05.96. Ўлчами 84x108 1/32. № 1 қоғозга
"Таймс" гарнитурда офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи 6,72.
Нашр табоғи 6,0. 50000 нусха (1-завод — 30000). Буюртма № Д-3311
Баҳоси шартнома асосида.

"Меҳнат" нашриёти, 700129, Тошкент. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 5—96.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент
ижарадаги матбаа корхонасида босилди. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

- А 15 Абдуллаев Ё., Бобоқулов Т.
Кредит: 100 савол ва жавоб.— Т.: Меҳнат, 1996. —
128 б.
Сарл. олдида: Тошкент молия институти.
1. Автордош

Муаллифлар мазкур китобда кредит тўғрисидаги умумий тушунчалар, кредитлаштириш ва унинг турлари, кредит механизми, лизинг, кредит фоизи ставкаси, кредит хавф-хатари, бозор иқтисодиёти шароитида кредитнинг роли каби масалаларни шарҳлаб беришган.

Кредит билан боғлиқ муносабатлар савол-жавоб тарзида илмий-оммабоп қилиб ёзилган, рисола сўнигида эса кредит мавзусида тестлар ва адабиётлар рўйхати берилганлиги эътиборга моликдир.

Китоб банк, молия-кредит тизими мутахассислари, олий ва ўрта махсус билим юртлари талабалари ҳамда шу соҳага қизиқувчилар учун мўлжалланган.

**"МЕҲНАТ" нашриёти 1996 йилда
бозор иқтисодиёти асослари, омиллари ва
моқиятига бағишланган қуйидаги китобларни
чоп этади:**

А.ЎЛМАСОВ. "Иқтисодиёт алифбоси".

ЖАМОА "Тадбиркор ён дафтари".

ЖАМОА "Бозор иқтисодиёти ва маркетинг".